Ҳафтасига бир кунлик иш бажараётган корхонани биласизми?

2-бет

Болажонларга тўқлик ярашади

3-бет

Бир қизнинг номуси кўпчиликка иснод келтирди

4-бет

ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 2 - 8 июнь | 22 (124)-сон

ЖАҲОЛАТ ЗАНЖИРИ

Миллионлаб соф ниятли кишилар бошига кулфат ва ташвиш келтираётган, қўшни Тожикистонни қатлгоҳга айлантирган ёвузлик уруғи қачон курийди?

Алам

Биринчи ҳалқа ёхуд Жарвдаги қатли ом

Бу ёвузлик юз берганига ўн кундан ошди, лекин унинг даҳшати ҳали-ҳамон кўнгилларни ларзага солиб турибди. Тожикистоннинг Ғарм туманидаги Жарв қишлоғида юз берган фожиа ҳақидаги хабар ҳар қандай бағри тош одамнинг қалбини ларзага солади. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, кейинги йилларда номи маълуму машҳурлашган Жума Намангоний тўдасига мансуб 25 нафар "ёш ўзбек жангари"си қуролини топшириб, қароргоҳни тарк этишади. Бундан хабар топган тўдабошилар ватанга қайтиш ниятидаги бу гуруҳнинг йўлини тўсиш ва уларни ўлдириш ҳақида буйруқ беради. Буйруққа биноан 18 кишининг боши танасидан жудо этилади.

Ҳар қандай ёвузлик турли кишиларда турлича мулоҳаза уйғотади. Хўш, бунисига нима дейиш мумкин? Қандай ҳодиса ўзи бу? Нимадан бошланган эди-ю, нима билан тугайди бундай қотилликлар? Тўғрироғи, бу қаттол ёвузликдан одамларимиз қандай хулосалар чиқаришлари даркор?

Иккинчи ҳалқа ёхуд сиёсий сўқирлик

Тошкентдаги 16 февраль ҳодисаси ҳақида ҳамма гаплар айтиб тугатилди, деган тасаввурда юрганлар адашади. Назаримда, ўша мудҳиш кун узоқлашгани сайин уни унутиш эмас, балки жамиятимизда юз берган бу фавқулодда ҳодиса хусусида янада чуқурроқ, янада теранроқ мушоҳада юритиш ва тегишли хулосалар чиқариш фойдалироқ бўлур эди. Президент тимсолида мамлакатимиз мустақиллигиға қаратилган бу тажовуз энг лоқайд кишиларда ҳам фуқаролик туйғусини жўшдириб юборди. Бундай вазиятларда жамиятда ўзига хос маънавий уйғониш юз беради, яъни ватан тақдири билан фуқаро тақдири туташиб кетади, жамиятда жипслашиш кучаяди. Яна бир муҳим ҳолат — одамларнинг ички қиёфаси яққолроқ намоён бўлади! Чунки фавқулодда ҳолатлар одамнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб ташлайди.

Эс-ҳуши жойида бўлган кексаю-ёш ўтган қарийб тўрт ой мобайнида мамлакатимиз миқёсида қанчадан-қанча ишлар қилингани ва қилинаётганини кўриб, билиб турибди. Бу ишларнинг бари ватанимизда барқарорликни сақлаш, халқимизнинг руҳини кўтариш ва турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Жойларда қанчадан-қанча ватандошларимиз қилинаётган саъй-ҳаракатлардан мамнун эканликларини эътироф этишмоқда, ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз олиб бораётган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда. Таассуфлар бўлсинки, жамиятда кечаётган ўтиш даврининг бутун мураккаблиги билан идрок эта олмаётган, ўзларининг тор ва ўта шахсий хоҳиш-истакларини жамият ва ватан манфаатидан устун қўядиган унсурлар ҳам йўқ эмас экан.

Юз берган қўпорувчилик ҳаракатларининг бир қанча ўқ томирлари хорижий ўлкалардан сув ичаётгани кўриниб турибди, аммо-лекин ижрочилар ўзимиздан-ку! Ўзимизнинг орамизда юрган, кечагина ўзимиз таълим-тарбия берган, ўзимиз вояга етказган ёшлар-ку!

Ана шуниси алам қилади кишига!..

Ёшларимизнинг алданиб қолгани оғир ботади...

Алданган ўғил-қизларимизнинг катталаримиз томонидан назоратсиз, эътиборсиз қолдирилганига афсусланасан, киши...

Энг катта фожиалардан бири шундаки, экстремистик гуруҳлар ўзларининг манфур ниятларини кўҳна ва боқий ислом динига бўлган эътиқод билан бўяб-бежаяптилар. Гўё улар муқаддас ислом динининг жонкуяри, ҳимоячиси бўлиб майдонга тушмоқдалар.

Савол туғилади: ҳой, биродар, сен қайси давлат раҳбаридан, қандай ҳукуматдан, қандай тузумдан ҳимоя қилмоқчисан динимизни?

Ўзбекистонни мустақиллик йўлларидан дадил олға олиб бораётган, умрининг ҳар лаҳзасини, куч-қудратию ақл-идрокининг барини шу эл-шу юрт саодати йўлига тиккан, қонуний давлат қураман, дея жонини жабборга бераётган, эътиқод ҳурлигини қонун миқёсларида улуғлашга жонбозлик кўрсатаётган, "Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда" дея афкор оммани диний саводхонликка даъват этаётган Инсонданми?! Шундай Инсон бошқараётган ҳукуматдан ва маърифатли жамият тизимларини яратаётган тузумдан муҳофаза қилмоқчимисан ислом динини?!.

Шунинг ўзи жаҳолат эмасми?!. Шунинг ўзи сиёсий сўқирлик эмасми?!.

Афсуски, давримиз кишиларига хос кўринишларда сақланиб қолган жаҳолат унсурлари бутун фожиалари билан маърифат дунёсининг ҳаётига таҳдид солиб турибди.

Февраль ҳодисаларидан кейинги ойларда Республикамизда барқарорликни сақлаш учун қилинаётган эзгу саъй-ҳаракатлар моҳиятини тушуниб етмаслик, тафаккур кўзини очмай соғлом орзу-умидлардан зарарли, ҳатто заҳарли ниятларни фарқлай олмасликни XXI аср бўсағасида маърифат йўлига чоҳ қазиётган жоҳиллик — сиёсий калтабинлик жаҳолати деб аташ лозим.

Учинчи ҳалқа ёхуд алданишнинг чеки борми?

Бир ёлғон бошқа ёлғонларни урчитганидек жаҳолат шундай бир ёвуз балоки, унинг комига илинган банда ҳушёр тортиши ва ўша маънавий ботқоқликдан қутулиб чиқиши жуда-жуда оғир кечади. Жамиятда кечаётган ҳуқуқий-демократик ўзгаришларни тўғри тушуниб етмаслик, эътиқод ҳурлигини, яратилаётган эркин фуқаролик шарт-шароитларини суиистеъмол қилиш, ёвуз ниятли кимсаларнинг алдовига учиб хомтама бўлиш, бир қанча ватандошларимизни, хусусан ёшларни жаҳолат гирдобига тортиб кетганлиги мана эндиликда маълум бўлиб турибди.

(Давоми 3-бетда)



"Айиқполвон"нинг шофёри

БУҒДОЙ ЕРГА ҚАДАЛМАЙДИ

ёки тилимиздаги айрим камчиликлар хусусида

Мулоҳаза

Нуриддин БОБОХЎЖАЕВ, филология фанлари номзоди

Адабий тил - адабийлашган, муайян меъёр ва қоидаларга асосланган, қонун билан расмийлаштирилган тил. Унинг талабларига, принципларига оғзаки ва ёзма нутқда доимо риоя қилинмоғи лозим. Акс ҳолда, пала-партишлик, шевачиликка муккасидан кетиш, адабий тил қоидаларига нописандлик авж олиб кетади. Тўғри, шевалар тилимизни бойитадиган манбалардандир. Масалан, адабий тилимизда деярли кўринмайдиган яйнайди /жовдирайди/, параш /юпка/, холдон /ҳол сўровчи, меҳрибон/ сўзлари гоҳ наср, гоҳ назмда учраб туради. Шу тариқа тилимиз бойийди ҳам. Айрим ҳудудларда пақирни челак,/сатил/, шотини нарвон, олвалини /аслида олу боли/ гилос, дейдилар. Бу сўзлар ҳам синонимик қадр топган. Лекин бу дегани ҳамма ўз шевасида ёзаверсин ва гапираверсин дегани эмас. Ҳар қандай тилшунос профессор нутқида ҳам шева унсурлари сақланиб қолади. Шунга қарамай, адабий нутқ, адабий талаффуз, биринчи навбатда, ўқитувчилар, ҳар бир зиёли, ҳар бир раҳбар маданиятининг муҳим мезонидир. "Тилимизга нисбатан йўлни тор олмаганимиз дуруст" дегувчилар бу мезонни сал бўлса ҳам унутган бўладилар. Адабий тил, адабий талаффуз ифодаларини, биринчи навбатда ўқитувчилардан, ёзма нутқ шаклларидан, санъаткорлар, радио ва телевидение дикторларидан, журналистлардан ўрганамиз, албатта. Афсуски, кейинги вақтларда бу борадаги масъулият сусайди. Жуда тажрибали дикторларимиз ҳам, ҳар хил касб эгалари билан суҳбат уюштирувчилар ҳам, "Келажак тонги" мутасаддилари ҳам қўллаётган "...каби масалаларни кўрилди", "... китобларни тахлаб қўйилди", "... сўзларини эшитилди", "эътибор катта бериляпти", "қўшўғ айтади", "бордикде", "кўрдикде", "Мана ҳозир шуноқа қивоссиз", "манбу, "мабу", "мовзу" "Мовлуда", "Шовкат", "Говҳар", "Кўчадаги қушларга дон бервомиза" каби чалакам-чатти ибораларни, шева ифодаларини ким ҳазм қила олади?!

Бир вақтлар баъзи кишилар ўта "муллалик" қилиб, она тилимизни ўзлари сезмаган ҳолда ғариблаштирдилар. Мана сизга математик олим, деканнинг нутқидан бир жумла: "Институтимиз общежитясида вообще дитсиплина йўқ..." Изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Шу кунларда эса айрим бошлиқлар, уларга тақлид қиладиган ўринбосарлари ўрисча "и" талаффузи билан "саводхонликлари"ни намойиш этаётирлар: "Қанчалик ютуқларга эришмайли и буни оз, деб биламиз, и яна янгиликлар қидираверамиз".

Мен сабабини билмайман, нима учундир, НАМАНГАН НАМАНҒОН шаклида ёзилаётганига дуч келаяпмиз. "Наманганми, Намангон?" мавзуида вилоятимиздаги таниқли олимларнинг баҳслари ҳам матбуотда ёритилиб, с... етказилмади. НАМАНГАН атамаси қандай келиб чиққанидан қатъи назар, морфологик принцип асосида НАМАНГАН деб қабул қилинган ва уни НАМАНГОН шаклида ўзгартиришга ҳожат йўқ. Афсуски, баъзи бир корхона пештоқларида, шаҳарга кираверишда жойларида гоҳ НАМАНГОН, гоҳ НАМОНГОН, ҳатто НОМОНГОН, деб ёзилиб, ҳар хилликка йўл ...лаётир...

Мингбулоқ туманида ... ДУҚ деган жой бор. Бу ... /Довдуқ/ нинг келиб чи... ни суриштирганимизд... ерлик отахонлар ТО... яъни ТОПДИК маънос... гини айтишган эди. Ху... томонда ҚОРА ЯНТОҚ, ... ҚИШЛОҚ, ЧОРДОНА, ... КА деган масканлар ҳа... жуд. Бу атамалар ҳар... нинг ўз тарихи, ўз эт... гияси - келиб чиқиш ... лари бор. Булар ўз ном... ўзгаришсиз қолгани маъ...

Яна ҲОРДИҚ деган с... бор. Бу сўз аслида ЧАРЧАҚ ҲОРИШ маъносидир. Эҳтимол, оғзаки сўзлашувларда бунга унча аҳамият берилмас, аммо тилга жиндай эътиборли ҳар бир зиёли ҳеч қа... ҲОРДИҚ ОЛДИК, ҲОРДИ... ҚИЛЯПМИЗ демайди ва шундай ёзмайди, балки ҲОРДИҒИМ ЧИҚДИ, бугун ҲОРДИҚ - ЧАРЧАГАН КУН маъносида гапиради.

Очиқ айтиш керак: айрим журналистлар манзур сўз топиб тўғри қўллайвермайдилар. Масалан: "Деҳқон уруғни" / чигит, донни дейлик/ ерга қадади". Хўш, қачон, қайси даврларда деҳқон "Уруғ қададим" деган? Йўқ. "Уруғ сепдим", "Уруғ тикдим", "Макка тикдим, ерга уруғ ташладим" деган ва ҳозир ҳам шундай дейди. Кечагина республика радиосидан "... шунча гектар майдонга буғдой қадаган эдилар" дейилди. Ахир, буғдой ҳеч қачон ерга "қадал"майди-ку!

Хуллас, талаффузда ҳам, минбар нутқларида ҳам, уюштирилаётган суҳбат ва давра суҳбатлари, ахборотларимизда ҳам Она тилимиз софлигини, бойлигини сақлайлик. Адабий тил миллий маданиятимиз мезонларидандир...

ЙЎҒ—Э! *Талабанинг семи... амалдорнинг озғи... бўлмайди*

ҲАЙРОНЛИКНИНГ БОИСИ НЕ?

Вазирлар Маҳкамаси қарорини бозорқўм қандай тушунади?

Савол

Андижон шаҳрининг Эски шаҳар деган жойида каттагина бозор бор. Маҳаллий халқ уни "Эски шаҳар бозори" дейишади, амалда эса "Очиқ турдаги Марказий деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти" деб юритилади. Шу бозорнинг шундоқ биқинида маълум ва машҳур "Ёшлик" савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Бозор ходимлари ҳам, "Ёшлик" ишчилари ҳам бир неча ўн йилдирки, бир жойда, бир-бирига бақамти ҳолда ризқ-насибасини териб юришганди. Йиллар ўтиб, замон ўзгарди. Шунга қараб мазкур икки корхона ҳам фаолият йўналишини ўзгартириш тараддудига тушди. Бахтга қарши, яхши ният билан бошланган бундай тараддуд ўртада низо келиб чиқишига сабаб бўлди.

Гап шундаки, Марказий бозор ҳудудида "Ёшлик" бирлашмасига қарашли иккита дўкон бор эди. 1990 йил бошида бозор ҳудудини кенгайтириш ва қўшимча савдо расталари қурилиши муносабати билан "Ёшлик"нинг икки дўкони бузиладиган бўлди. Бунинг эвазига бозордаги гўшт растасининг бир қисми "Ёшлик"ка беришга келишилди. Шу боис, бирлашмага бузилиб кетган икки дўконининг компенсация пули ва қурилиш материаллари бозор маъмурияти томонидан тўланмайдиган бўлди.

Орадан маълум муддат ўтгач, келишувга биноан "Ёшлик" раҳбарияти бузилган дўконлари ўрнига гўшт растасининг 88 кв.м. майдонини хусусийлаштириб беришларини /эслатиб ўтамиз: "Ёшлик"нинг бузилган дўконларининг ўрни 390 кв.м. эди!/ сўраб, вилоят савдо тайёрлов идорасига, бозор маъмуриятига мурожаат қилади. Томонларнинг розилигига кўра, бозор маъмурияти зикр қилинган ҳажмдаги гўшт растасини 1996 йил 1 декабригача сотиб олиш шарти билан "Ёшлик"ка ижарага берадиган бўлди ва бу ҳақда 1995 йил 1 декабрда шартнома имзоланди. Бу шартнома вилоят савдо тайёрлов идорасида тасдиқланди, вилоят мулк бошқармаси томонидан рўйхатга олиниб, тегишли давлат ордери берилди. Ҳашпаш дегунча шартномада кўрсатилган муддат ҳам етиб келди, аммо бозор маъмурияти шартнома шартларига зид ўлароқ, "Ёшлик" сўраган жойни хусусийлаштириб беришдан бош тортди. Сабаб? Нима эмиш, Марказий бозор очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани боис унга қарашли бирорбир объект сотилиши мумкин эмас экан! "Ёшлик" ва Марказий бозор ўртасидаги ёзиш-чизишлар билан 1997 йилнинг қиши ўтиб, баҳори ҳам ниҳоялай деганда тоқати тоқ бўлган бирлашма раҳбари Алижон Сиддиқов вилоят хўжалик судига даъво аризаси берди. Вилоят хўжалик суди судьяси А.Мадраҳимов икки томон дов-дастакларини обдон ўрганиб қарор (15.04.1997й.) қабул қилдики, "Ёшлик"нинг даъвоси тўғри, Марказий деҳқон бозори бирлашма билан тузилган шартнома шартларини бажармоғи шарт!

Судья А.Мадраҳимов қароридан сўнг бир ой ўтди, икки ой, уч, тўрт... "Ёшлик"чиларнинг кўнгли э-энди хотиржам топиб, ғайрат билан ишлашга белни боғлаб туришган ҳам эдики, ўша йилнинг 21 август куни низо вилоят хўжалик судининг аппеляция инстанциясида қайта кўриб чиқилди ва қабул қилинган қарор бекор қилинди. Бундан норози бўлган "Ёшлик"чилар Олий Хўжалик судига ариза беришди, аммо бунинг фойдаси бўлмади - Олий хўжалик суди кейинги қарорни тўғри деб топди.

Олий Хўжалик суди бир тўхтамга келган низо юзасидан эҳтимол муҳокамани чўзишнинг ҳожати йўқ эди, бироқ, шу ўринда жўяли мулоҳаза чиқиб қолди.

Муҳтарам судьяларимиз "Ёшлик"нинг даъвосини рад этиб, Марказий бозор маъмуриятининг шикоятини қаноатлантирар экан, бунга асос қилиб асосан қуйидагиларни кўрсатади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йилнинг 5 мартидаги Фармони;

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилнинг 5 мартидаги "Бозорлар фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 82-сонли қарорига асосан мол-мулк масаласини ҳал этиш фақат тегишли ҳокимликлар ва ҳиссадорлар ваколатига берилгани...

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ҳам, Президент Фармонида ҳам суд қарорларида таъкидланганидек, бозор мулки фақат ижарага берилади, деган кўрсатма йўқдек...

Аммо қизиғи шундаки, бозор маъмурияти судлардан "ранг олиб" "Ёшлик" талабини юқоридаги Фармон ва Қарорга асосан рад этса-да, айни бирлашма сўраган жойни бошқа бир тадбиркорга - С.Тоҳиров деган шахсга 732256 сўмга сотиб юборди!

Яна бир объект хусусий тайёрлов базасига 408704 сўмга пулланди.

Ғалати эмасми, ҳамонки, Вазирлар Маҳкамаси қарорида бозор мулки сотилмайди, деган кўрсатма зикр этилган бўлса, Марказий бозор маъмурияти "Ёшлик" сўраган жойни нега бошқа бир тадбиркорга сотиб юборди? Ёки, бозор мулкини сотиш тақиқланмаган бўлса "Ёшлик" сўраган объект ўртада шартнома бўлишига қарамай нега бирлашмага сотилмади?

"Ёшлик" бирлашмаси раҳбари Алижон Сиддиқов, мана икки йилдирки, айни шу саволга жавоб тополмай ҳайрон.

Эҳтимол, шартнома шартлари адо этилмаганига ҳиссадорлик жамияти таъсисчиларининг умумий йиғилишидаги (1997 й. 4 апрель) "эътирози" важ қилиб кўрсатилар. Ваҳоланки, бу эътироз туғилган йиғилишнинг қай савияда ўтганига ҳам шубҳа бор. Зеро, йиғилиш баённомасида мажлисда 86 киши иштирок этгани ёзилган бўлса, ҳиссадорлик жами... ятининг раисининг 1998 йил 11 февра... лидаги (15-сон) расмий хатида айни ўш... - 1997 йил 4 апрелдаги йиғилишда 2... нафар аъзо қатнашгани ҳақида маълум... берилган. Бу икки рақамдаги тафов... асосли шубҳа туғдирмайдими?..

Хуллас, ёзаман десак гап кўп. Фа... ҳужжат, маълумотлар ҳам етарли. Леки... уларни батафсил ёзиб ўтирмадик. Ш... дай бўлса-да, Марказий деҳқон боз... раҳбарияти баён этилган "англашилмадай чилик"ка аниқлик киритса, эҳтимол м... ла ойдинлашар...

Т.АКБ...

ИШНИ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШДАН БОШЛАШ КЕРАК

Таклиф

Д.ОРИПОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори шу соҳа вакилларининг кўнглидаги айни муддао бўлди. Негаки мустақилликдан кейинги янги даврда ўзбек журналистикаси ҳам қайта таҳрирга, янгиланишга муҳтож эди. Қолаверса, журналистларни тайёрлаш тизимининг ҳозирги аҳволида нафақат республикамиз журналист кадрлари янги асрда ҳам ўзларини тўлақонли намоён қилишлари, балки умуман ўзбек матбуотида янгиланиш, ривожланиш анчайин мушкуллигича қолавериши тайин.

Қарорда 1999-2000 йилдан бошлаб Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети қошида ташкил этилажак марказ ...қали ўқув-услубий қўлланмалар, ...рсликлар, соҳани яхшилаш ...йича таҳлилий тавсиялар тай...лаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳақиқатан ҳам ушбу муаммони ҳал этмай туриб ўзбек журналистикасида ислоҳот ўтказиш хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки аввал ҳам, ҳозир ҳам журналистика факультетларида дарслик, ўқув қўлланмалари, адабиётлар билан таъминлаш энг оғир масала бўлган. Мустақиллик давригача бу факультет бўсағасини "ялаб ўтган" талабаларнинг аҳволини-ку сўраманг. Ҳамма дарсликлар ўрис тилида. Ўзимизнинг домлалар ёзган бир-иккита қўлланмалар ҳам шу тилда чоп этилганди. Журналист бўламан деган талаба борки беш йиллик умрининг асосий қисмини марксистик асарларни ҳижжалаш, ВКП (б), КПССнинг "машҳур қарорлари"ни ёдлаш билан ўтказишга мажбур эди. Факультетни битирганларнинг бир қисми кейинчалик бошқа касб этагини тутиб кетганлигига балки мана шу нарсалар ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлса ажабмас.

Албатта, янги қўлланма, назарий адабиётларни яқин фурсатда яратиш осон иш эмас. Ахир олимлар, шу соҳа мутахассислари ишни деярли нолдан бошлашади-да. Аммо ҳар қандай қийинчиликларга қарамай янги замон бўлғуси журналистлари учун миллий руҳда ёзилган ва албатта, халқаро журналистика тажрибалари билан бойитилган, келгусида қайта-қайта таҳрир талаб қилмайдиган мукаммал қўлланмалар яратилиши керак.

Пойдевор пухта бўлмаса, иморат мустаҳкам бўлмайди. Ҳар томонлама мукаммал назарий адабиётлар, қўлланмалар яратишни Ўзбекистон матбуотини янгилаш, мустаҳкамлашнинг пойдевори деб билайлик. Қолаверса, Президентимиз томонидан матбуотимиз равнақи, эртаси учун шу қадар эътибор берилаётган экан, бу имкониятнинг қадрига етиш ва бундай имкониятни ҳаётга татбиқ этишда фурсат кутиб турмаслик лозим.

Таҳлил

БЕШ КУНДА БИР КУНЛИК ИШ БАЖАРАЁТГАН КОРХОНА

Бозор иқтисодиёти шароитида аслида бунинг тескариси бўлиши керак эди

"Термиз сут" ҳиссадорлик жамияти воҳадаги йирик корхоналардан бири. Асосан Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги туман аҳолисини сут маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси бўлган ҳамда кунига 30 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга мазкур комбинатнинг бугунги ҳолига вой. Зўрға 15-20 фоиз қувват билан ишлагач, бундан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин?

Роппа-роса беш йил муқаддам яхши ниятлар билан комбинат жамоа мулкига айлантирилиб, ҳиссадорлик жамияти мақомини ҳам олди. Қайда! Ҳамон ҳиссадорларнинг кўчасида байрамдан дарак йўқ. Қўлдан берганга қуш тўймас, деганларидек, комбинатга томчилаб келиб турган кунлик 3-4 тонна (30 тонна ўрнига) сутни қайта ишлаш билан аҳволни ўнглаб бўлмаяпти. Беихтиёр ўйланиб қоласан: нима, вилоятда зотдор соғин сигирлар қирилиб битганми ёки ҳиссадорлар уларига муносиб ҳамкорлар- (таъминотчиларни) топилмаяптими?

Корхонадаги вазиятни ўрганиш ниятида бу ерга икки марта келдик. Дастлаб бош ҳисобчи Ш.Эломонов йил охиридан сўнг, барча ҳисоб-китоблар аниқ бўлгач суҳбат қилишни маъқул кўрдилар. Кўндик. Аммо йил якунидаги сафарим ҳам охирига етмай "қариди". Негаки "бемаврид" ташрифимдан хабар топган "Сурхонгўштсутсаноат" ишлаб чиқариш компаниясининг бошлиғи Холмурод ака Қиличевдан аччиққина таънадашномлар эшитдим. Вазиятни юмшатиш учун қонун доирасидаги журналист ҳуқуқларини эслатиб ўтганимнинг натижаси эса Холмурод ака мени кўчага чиқариб, шундоққина комбинат эшигини кўрсатиб қўйиши билан якунланди...

Амалдаги қонунларни ҳурмат қилиш-қилмаслик масаласини раҳбарнинг ўзларига ҳавола қилган ҳолда, рақамларни назардан ўтказиб кўрайлик-чи.

Корхона бош ҳисобчисининг берган маълумотига қараганда аҳвол у даражада "ёмон" эмас экан. Энди "аҳволи ёмон бўлмаган" корхонанинг уч йиллик энг сўнгги натижаси, яъни корхонага ўз улушини қўшган ҳиссадорнинг берган ҳар бир сўми учун олган дивидентига эътибор қилинг. Бош ҳисобчи 1995-97 йиллар учун фойдадан тақсимланган дивидент ҳар бир сўмга 2 сўмдан тўғри келишини ҳисоблаб чиқдилар. Дўппини ерга қўйиб, иковлашиб ҳисоб-китоб қилганимизда бу рақам аслида ўн баравар кам, яъни акционернинг ҳар бир сўми учун 20 тийиндан дивидент тўғри келганлиги аниқ бўлди.

Корхона фаолиятининг кундан-кун оқсоқланиб боришида асосан икки сабаб омил бўлаётган кўринади. Биринчи сабаб, юқорида таъкидланганидек, сут тақчиллиги бўлса, иккинчи сабаб ўзаро тўловлар ва шартномалар ижросига совуққонлик билан қараш оқибати туфайли пайдо бўлган.

Термиз шаҳри атрофи ва яқин туманларда ўнлаб фермер хўжаликлари мавжуд. Уларнинг аксарияти сутни қайта ишлаш корхоналарига ўз маҳсулотларини сотишдан кўра аҳоли ёки бозорга сотишни афзал кўришади. Негаки, топширилган сут учун пулни вақтида ололмаслик саргардонлиги фермерларни безор қилган. Қолаверса, комбинат тўлайдиган нарх билан бозор нархининг фарқи ҳам анчагина.

Энди иккинчи сабабни таҳлил қилайлик. Бозор иқтисоди, аввало, аниқ ҳисоб-китоб дегани. Ҳисоб-китоблар эса шартномаларда акс этади. Бош ҳисобчи 1999 йил 1 январ ҳолатига кўра 771,2 минг сўм дебиторлик ва 1 миллион сўм кредиторлик қарзлар мавжуд эканлиги қайд этилган маълумотнома берганларида, тўғриси, шубҳамни яшира олмадим. Аммо Ш.Эломонов корхонанинг қарзлари фақат шундан иборат эканлигига қаттиқ туриб олдилар. Агар бу фикрга қўшиладиган бўлсак, йил давомида 27 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган корхонанинг қолган айланма маблағи қаерда қолди экан?

Кўнгилдан кечган шубҳа-ю гумонларга аниқлик киритиш мақсадида Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилишга тўғри келди. Инспекциядан олинган маълумотлар эса ҳақиқий ҳолатни ойнадек равшан қилди-қўйди. Чунки .бош ҳисобчининг шапалоқдек имзоси билан тасдиқланган ҳисоботга кўра корхонанинг 1999 йил 1 январ ҳолатидаги дебиторлик қарзлари 17 миллион 144 минг, кредиторлик қарзлари эса 3 миллион 636 минг сўмни ташкил қилар экан. Назаримда, Ш.Эломонов бошқарма раҳбарининг матбуот ходимига қилган "пўписаси"дан руҳланиб матбуотга ёлғон кўрсатма беришдан ўзини тиймаган кўринади.

Корхона мутасаддиларининг "саҳийлиги" бугунги кунда анча қимматга тушмоқда. Агар шартнома шартларига тўла амал қилинганда эди, мижозлар чўнтагида қолиб кетган 17 миллион сўмдан ошиқ корхона маблағи вақтида ундирилган ва натижада қайси бир корхона, хўжалик учун балки ҳаводек зарур бўлиб турган 4 миллион сўмга яқин қарз қайтарилган бўлармиди. Дебиторлик қарзларининг ҳаддан ташқари кўпайиб қолганлиги ўз навбатида корхонанинг бир маромда ишлашига жиддий путур етказмоқда. Оқибати эса аён: корхона цехлари бир кун ишласа, уч кун тўхтаб қоляпти...

Биз корхонада бўлган кунларимиз Хоразм вилоятидан янги технологик линиялар ўрнатиш таклифи билан ҳамкорлар ташриф буюришган экан. Ҳиссадорлар бугунги ночор аҳволдан чиқиш йўлларини топишда қатъийлик кўрсатмас эканлар, эртага ҳамкорлар олдида ҳам уялиб қолмасликларига кафолат борми? Қолаверса, бугунги шароитда шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган катта саноат корхонасининг номига ишлаб туриши корхонанинг ўзи учун ҳам, шаҳар иқтисоди учун ҳам қанчалик қимматга тушаётганлигини ҳисоблаб кўрувчи мард топиламикан?

Ижодий сафарим давомида мана шу саволга жавоб берувчиларни топа олмадим-да.

Даврон ОРИПОВ

ЙИГИТЛАР МИЛЛАТНИНГ ҒУРУРИ, ОРИ

Бозорларда арава тортаётган ким?

Оғриқ

"Ҳуррият" газетасининг 5 май, 18-сонида чоп этилган "Қаҳрамон ўлкага... мардикорликка!", деб номланган мақолани ўқиб, чуқур ўйга толдим.

Мен шу ўринда бошқа бир оғриқли нуқтага тегиб ўтишга жазм этиб, қўлимга қалам олдим.

Бугун ўзбекнинг довруғини оламга таратаётган, ҳавас қилса арзигулик фарзандлари сон мингта. Бироқ ютуқларимиз билан бирга камчиликларимизни ҳам айтишдан уялмасдан, қанчалик аччиқ бўлмасин, айтишга мажбурмиз, токи, уларни вақтида бартараф этайлик, кейин кеч бўлиб қолмасин, эзгу умидларимизга ғов бўлмасин...

... Дам олиш кунларидан бирида "Отчопар" бозорига тушгандим. Кираверишда кимнингдир: "Хў, арава, қани бери кел-чи", деган гапи мени ўзига тортди. Орқага қарадим. 18-19 ёшлар чамаси ўсмир йигит арава етаклаганча, чақирган киши томон югуриб келарди. Арава келгач, бозордан харид қилинган нарсаларни унга юклашди. Йигитча эса "пўш, пўш, арава", деганича автобус бекати томон ошиқди. Ўшанда унинг оғир юкни минг азоб билан тортиб кетаётганини кўрсангиз эди! Қолаверса, аравани одамлар орасидан олиб ўтишнинг ўзи ҳам бир машаққат. Бу ҳолат ҳалиҳали кўз ўнгимдан кетмайди. Йўқ, бунақаларнинг кўп гувоҳи бўлганман. Лекин башанг кийинган одамнинг: "Хў, арава..." дея қилган мурожаати... Нима, у арзимас пул эвазига оғир юкларингизни айтган жойингизгача олиб бориб, оғирингизни енгил қилади-ю, сиз унга қўпол муносабатда бўласизми? Ёки у арава етакласа, у ҳам "арава" бўлиб қоладими? Ахир у ҳам инсон, сизга ўхшаган ота-онанинг азиз дилбанди! Ҳеч бўлмаганда уни "ука" ёки "биродар" деб чақирсангиз бўларди-ку! Арава ҳайдаб юрадиганлар бундай сўзларга эътибор беришмайди. Уларга "клиент бўлсаю, пул тушса", бас.

Уларнинг деярли ҳаммаси вилоятлардан келган, билаклари кучга тўлган, тоғни урса толқон қилгудек йигитлар.

Ҳаммамизга кундек равшанки, уларнинг аксарияти ўрта мактабни битириб, ўқишга кира олмаган ёки ўз вилоятидан иш топа олмаган ёшлар пойтахтга келиб мардикорликка ёлланишади, бозорларда арава тортишади. Негаки, ҳар қайсиси ота-онасига боқиманда бўлишдан ор қилишади. Қилаётган меҳнати эвазига арзимаган ҳақ олаётган бўлсаларда, энг муҳими, ҳалол меҳнат орқали пул топиш учун курашяптилар.

Улар аравани ҳам ижарага олишади. Тасаввур қилинг, бир кунда ишлаб топган пулини арава хўжайинига тўласинми, ижарада турадиган уйга берсинми? Ажабки, улар ҳатто "солиқ" ҳам тўлашаркан! Унда ўзига нима қоларкин-а! Қишлоқда "ўғлим пул топиш учун Тошкентга кетган", дея ўғлига кўзи тўрт бўлиб ўтирган ота-онасига-чи?

Ҳа, улар ота-онасидан йироқда, уларнинг эътиборидан ташқарида яшашяпти. Ота-онаси эса ўғлини катта шаҳарда иш излаб юрганликларини, "чув" тушиб алданаётганликларини, кир-чир кийимларда мардикорлик қилиб, арава тортиб юрганликларини билармиканлар? Қишлоқдалигида: "Болам, кечаси кўчада ёлғиз юрмагин", дея бот-бот тайинлаб юрадиган меҳрибон онажониси ўғлининг кечалари бозорда кўрпа-тўшаксиз арава устида ухлашидан хабардормикан?

Келинг, дўппини ерга қўйиб, бир ўйлаб кўрайлик. Ҳар бир арава ортида инсон тақдири, келажагимиз турганлигини мушоҳада қилайлик. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Бир кун келиб ҳар бир ишни ақл кўзгусида, имон тарозусида идрок этадиган ёшларгина элимиз, юртимиз суянчиғига айланади. Вақти келиб, бугун шаҳарда арава тортиб, мардикорлик қилиб юрган фарзандингиз: "Мен нима учун ўқимадим экан", дея афсус қилишмасин.

Заҳириддин ТЎРАЕВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабаси

ЯНА "МУҲАББАТМИ, МИССИОНЕРЛИК?!"

"Ҳуррият"нинг шу йил 21-27 апрель сонида "Муҳаббатми, миссионерлик?!" мақолам чоп қилинган эди. Ўша мақолага муносабат сифатида газетанинг ўтган 5-11 май сонида "Севгингдан қочма, йигит" номли эътирознома мақола эълон қилинди.

Унда қиз йигитни христианликка даъват қилаётгани ҳақида маълумот йўқлигини ёзади. Ҳолбуки, "Муҳаббатми, миссионерлик?!" мақоласида, қиз йигитга бир йигитни таништирмоқчи эканлиги таъкидланган. Муаллиф бунга яхши эътибор қилмаган кўринади.

Мақолада "Инжил"нинг босилиши ва таржима тарихига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга, "Инжил"нинг ислом таълимотига ҳеч бир зид жойи йўқлиги эътироф этилган.

Кунимизгача етиб келган "Инжил"нинг асл нусхаси йўқолгани боис Исо (а.с.) умматлари томонидан бузиб юборилган. Ҳатто "Инжил"нинг асл нусхаси қайси тилда бўлганини ҳеч ким билмайди.

"Инжил"да Ислом таълимотининг асосини ташкил этувчи яккахудоликка зид жойлар кўплаб учрайди. Масалан, Исо худонинг ўғли ёки худонинг ўзи деган тушунчалар ҳам йўқ эмас. Инжил Маммо, Маркус, Лука Юҳанно каби нусхаларга бўлиниб кетган.

Мен бу билан "Инжил"ни камситмоқчи эмасман. Аксинча, Ислом эътиқоди Исо (а.с.) даъватидан муфассалроқ эътироф этилганини яна бир бора такрорламоқчиман.

Гапимни шу ерда англиялик ёзувчи ва сиёсатчи Лорд Олли ал-Форуқнангнинг қуйидаги фикри билан тугатмоқчиман: "... Христианлик шу қадар бузилганки, Исо (а.с.) таблиғ этган насронийликдан бугун асар ҳам қолмаган. Эски христианликдаги ҳақиқатларни фақат Исломда топиш мумкин".

О.АКРАМ

* * *

Мен "Ҳуррият" газетасини мунтазам равишда ўқиб бораман. Газетанинг шу йил 21 — 27 апрель сонидаги "Муҳаббатми, миссионерлик?!" сарлавҳали мақолани мен ҳам ўқиган эдим. Мақолада йигит қиздан маълум сабабларга кўра воз кечганини айтиб ўтган.

Аммо газетанинг 5—11 май сонида чиққан "Севгингдан қочма, йигит!" деб қандайдир Исомиддин (фамилияси, манзили кўрсатилмаган) юқоридаги мақолага ўз муносабатини билдирибди. Исомиддин "Инжил", "Библия" китоблари ҳақида яхшигина маълумотга эга экан. Ва "Инжил"ни ўқувчига янада кенгроқ маълумот беради, фикрларини тўлдиради дебди, қизни эса маданиятли деб таърифлабди.

ҲЕЧ ҚАНДАЙ КИТОБ "ҚУРЪОНИ КАРИМ"НИ ТЎЛДИРГАН ЭМАС, ЧУНКИ "ҚУРЪОНИ КАРИМ" ЎЗИ МУКАММАЛДИР!

Қизнинг христианликни тарғиб қиладиган ҳеч қандай хатти-ҳаракатлари йўқлигини ёзибди. Исомиддин мақолани эътибор қилиб ўқимаган кўринади. Қиз кейинги учрашувдаёқ йигитнинг китобни ўқиган-ўқимаганлигини суриштириши, китоб ҳақидаги фикрини йигитдан сўраши "бошқачароқ"-да! Йигитнинг "яхши фикр"далигини билгач эса, қиз уни бир йигит билан таништириб қўйишини айтиб, учрашув вақтини белгилайди. У қандай йигит, қиз ким билан таништирмоқчи эди, акаси ё укаси биланмасдир ахир?! Йигит қиз билан бошқа учрашмагани тўғридир.

Сўнгги пайтларда айрим тенгдошларим адашиб, кимларнингдир бемаъни сафсаталарига учиб, ҳар хил диний гуруҳларга кириб қолмоқдалар. Бу ноқонуний диний ташкилотлар ислом динидан маълумоти саёз ёшларни чалғитиб, катта пуллар эвазига ўз гуруҳларига қўшиб олмоқдалар. Ана шундай адашган ёшларга бу йўлдан қайтинг, Аллоҳдан қўрқинг, тавба қилинг, имонингиз мустаҳкам бўлсин деяман. Зеро, бу борада Қуръонда шундай дейилади: "Кимки Исломдан бошқа динни талаб қилса, Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди ва ундай киши охиратда ҳасрат-надоматда қолади"("Оли Имрон" сураси, 85-оят).

Раъно МИРАҲМЕДОВА,
ТошДУнинг журналистика факультети қошидаги журналистика мактаби тингловчиси

рият. 1999й.
июн 22-сон 2-бет.

Мулоҳаза

ТАНГАДА ВАТАН РАМЗИ БОР

Халқимиз қалбида уйғонаётган Ватан туйғуси, шу заминда туғилганидан фахрланиш ғурури ҳар бир онгли инсонда фахр уйғотиши табиий. Таҳририятимизга келаётган хатлар оқимида Ватан шукуҳи мужассам, Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Намоз Қаршиев йўллаган "Тангада не иллат бор?" сарлавҳали мактубда билдирилган мулоҳазалар эътиборимизни тортди. "Болаларнинг нафақасини олгани борган оиламнинг қўлига бир халта бир сўмлик танга тутқазишибди. Тангаларни олиб бозорга борган турмуш ўртоғимга бозорчилар қўпол муомала қилиб, тангаларни олмабди. Ноилож Халқ банкининг туман бўлимига қайтариб топширдик", - дея фикр юритади муаллиф.

Ҳа, Ватаннинг ҳар бир зарраси ҳам ўзини шу юртнинг фарзандиман деган фуқарога қадрли бўлмоғи, ардоқланмоғи лозим. Ўзбекнинг ўзлигини англатувчи пулимизда Ватанимиз рамзи борлигини унутмаслигимиз керак.

"Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қўшиғини эшитишни, ҳиргойи қилишни яхши кўрамиз-у, қалбимизда ўзбекона ғурур уйғонмайди. Ватан фидойисига Американинг "кўки-ю", Олмония маркасидан, Фарангистоннинг франкидан ўзимизнинг сўмимиз ардоқли бўлиши керак" - дейди Намоз ака. Ўзлик "мен ўзбекман" дея кўксига уришдан эмас, балки ўзбекнинг ҳар бир қадриятини, осори-атиқасини, маданиятини, миллийлигини юракдан эъзозлай билишда англанади. Ўзлик фақатгина ўз руҳиятингни эмас, Ватаннинг руҳиятини ҳам англаб етишингдадир.

"Африқонинг қайсидир бир бурчида хорижлик сайёҳларни кузата туриб пойафзал тагидаги тупроқни қириб олишар экан, "Ватанимизнинг бирор зарра тупроғи четга чиқиб кетмасин", деган маънода", - мулоҳаза юритади муаллиф. Мана сизга Ватан тушунчаси, Ватанни ардоқлаш, Ватаннинг қадрига етиш, ўзликни, генофондни сақлаш, аждодлар вояга етган тупроқни улуғлаш. Ахир бизнинг ота-боболаримиз ҳам бир вақтлар ўз юртидан ўзга юртга сафарга чиққанларида ўзлари билан бир сиқим тупроқ олиб кетишган, токи ўз Ватанини, элини, аждодлар руҳини унутиб қўймаслик учун.

Биз ҳар доим бир нарсани ёдда тутишимиз керак, тангамизда ватанимиз туғроси бор, ҳумо қуши бор, керак бўлса кўзимизга суртиб, юрагимиз қўрида сақлашимиз шарт.

Қадим бир ривоятда айтилишича, турк султонидан қўшни юрт подшоси суюкли отини сўрайди, султон қон тўкилишини истамай рози бўлади. Подшо бунга қаноат қилмай жондан азиз ёрини сўрайди, яна уруш бўлмасин, деб рози бўлади. Душман энди турк давлати мулки бўлган ерининг бир парчасини сўрайди, шунда турк султони: "Уруш муқаррар экан, энди урушамиз, лекин аждодларимиз асраб-авайлаб бизга етказган она еримизни душманга бермаймиз", дейди. Ватаннинг қудрати ҳам унинг улуғ фарзандлари борлигида, ўзлигини, қадриятини эъзозлай билган паҳлавонлари борлигида.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
журналист

"КОГОНДАН БУХОРОГА БОРАЁТГАН ЭДИК..."

("Хуррият". 1999 й. 28 апрель, 17-сон)

Вилоят прокуратураси томонидан "Ҳуррият" газетасининг 1999 йил 28 апрель, 17(199)-сонида чоп этилган "Когондан Бухорога бораётган эдик..." сарлавҳали танқидий мақоласи юзасидан текшириш ўтказилди.

Текшириш давомида вилоят давлат автомобил назорати ходими, милиция капитани Р.Аҳмедовнинг ғайриқонуний ҳаракатлари ўз тасдиғини топди.

Жумладан, текширишда вилоят ДАН ходими Р.Аҳмедов вилоят давлат автомобил назорати бошқармасининг 1999 йил 31 январь кунидаги тезкор кенгаш қарори ва режага асосан йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 22 март куни Бухоро шаҳар Жондор автобекати қаршисидаги йўлда кўкрак нишонини тақмаган ва "олатаёқ" қўлида бўлмаган ҳолда навбатчилик қилиб, фуқаро И.Солиев бошқарувидаги "Мазда" русумли кичик автобусни асоссиз тўхтатиб, ҳужжатларини текшириб кўриш учун олиб, асоссиз равишда қайтариб бермасдан, вилоят ДАН бошқармаси идорасига боришини айтиб ҳужжатларни олиб кетганлиги, улар Р.Аҳмедовга учрашиб ҳужжатларни қайтариб олиши жараёнида Р.Аҳмедов улардан бирор-бир нарса таъма қилмаганлиги аниқланади.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокуратурасининг 1999 йил 30 апрелдаги топшириғига асосан, вилоят ИИБ шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси томонидан Р.Аҳмедовга нисбатан хизмат текшируви ўтказилиб, натижасига кўра вилоят ИИБ бошлиғининг 1999 йил 12 май кунидаги 122-сонли буйруғи ИИБ ЖТСХ ДАН бошқармаси техника назорати катта инспектори, милиция капитани Р.Аҳмедов интизомий жавобгарликка тортилиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, у ДАН соҳаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа хизматга ўтказилган.

Вилоят давлат автомобил назорати бошқармаси ходими Р.Аҳмедовнинг ҳаракатида мансаб ваколатини суиистъемол қилиш жиноятининг аломатлари формал кўринсада, лекин фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёки давлат ва жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилмаганлиги сабабли, унга нисбатан жорий йилнинг 14 май куни жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Р.Аҳмедовга нисбатан қўлланилган интизомий жазо унинг содир қилган ғайриқонуний ҳаракатига нисбатан енгиллиги ва келгусида ИИБ ходимлари томонидан шунга ўхшаш қонунсиз ҳаракатларни содир қилинишини олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида вилоят ИИБ бошлиғига Тақдимнома киритилди.

Б.И.НОРОВ,
Бухоро вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

ТАҲРИРИЯТДАН: Айрим ДАН хизматчилари ҳақида нордон мулоҳаза билдирилган хатлар келиб турибди. Аммо бу гап "ДАНчиларнинг барчаси ёмон" деган маънони англатмайди, албатта. Мазкур соҳа ходимларининг вазифаси оғир бўлса оғирки, асло осонмас ва шунинг билан ҳам шарафли касблардан ҳисобланади: қишнинг қировли, баҳор ва кузнинг серёғин, ёзнинг жазирамасида катта-кичик йўлларда минглаб транспорт воситалари ҳаракатларини назорат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Турли байрам ва оммавий тадбирларни улар оила, фарзандлари даврасида эмас, хизмат жойларида меҳнат билан ўтказади. Биз буни чуқур ҳис этамиз. Лекин шунга қарамай, кейинги пайтларда ҳайдовчиларнинг эътирозлари, айрим ҳаракат посбонларининг қўпол муомаласи, таъбир жоиз бўлса, тирноқ остидан кир қидириш ҳоллари ҳамон учраб туриши ва айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили айни шу соҳа ходимлари фаолияти тўғрисида қабул қилган қарорини эсласак, юқорида айтилган фикр ҳақиқатга анча яқин экани ойдинлашади. Қолаверса, Бухоро вилояти прокуратурасининг юқоридаги жавоби ҳам айни шу мулоҳазаларни яна бир карра исботлаб турибди. Умид қиламизки, вилоят прокуратурасининг мазкур жавоби айрим "қуюшқон"дан чиқаётган ДАН нозирларини хушёрликка, қонун доирасида фаолият юритишига чақиради. Шунингдек, Бухоро вилоят прокуратурасининг матбуотда чоп этилган танқидий мақола юзасидан ҳеч қандай расмий сўровсиз тезкор текшириш ўтказгани ҳамда бу ҳақда тезликда таҳририятимизга самимий оҳангда жавоб йўллагани маъмурий идоралар учун Намуна сифатида эътироф этсак арзийди. Ташаккур.

Жавоб

Мақола чиққач, орадан ўтган тўрт ой мобайнида таҳририятимизга тегишли идоралардан бир нечта расмий жавоб хатлари келди. Очиғини айтиш керакки, оғзаки ва норасмий жавоблар ҳам билдирилдики, уларни матбуотда муҳокама қилиш ортиқчадек. Шу боис қўлимизга теккан расмий жавоблар хусусида тўхталганимиз кифоя.

Биринчи жавоб шу йилнинг 11 февраль куни Республика прокуратураси бўлим бошлиғи Б.У.Усмонов "Кимсан, Сирож Жабборов?" мақоласи юзасидан Ўзбекистон транспорт прокурори К.Қирғизалиев номига ёзган 11.02.1999 й. 14/22-сонли расмий-хатидан бир нусха таҳририятимизга юборар экан, унда мақола бўйича текшириш ташкил этиб, унда қаламга олинган барча жиноят ишларибилан танишиб, мазмун ҳал этиш алоҳида таъкидланади.

Иккинчи жавоб 2 март куни қўлимизга тегди. Кутилганидек, у Ўзбекистон транспорт прокуратурасидан бўлиб, транспорт прокурори ўринбосари Б.К. Абдусаломов имзо чеккан 16/10 — 98-сонли жавоб-хатга "26 февраль" санаси қўйилган эди. Афсуски, нақ икки ярим саҳифадан иборат жавобда мақолада кўндаланг қўйган саволлар бўйича бир оғиз гап йўқ. Жиноят иши қандай қўзғалиб, қандай ниҳоя топган бўлса — шундайлигича қайта ёзилгану таҳририятга жўнатилган. Мақолага на эътироз бор, на эътироф. Ўзбекистон транспорт прокуратурасининг бундай ажабтовур жавоби ва унга нисбатан муносабатимизни ифодаловчи махсус мақола чоп этилиши арафасида, Республика прокуратурасидан ҳам яна бир жавоб келдики, шуни эълон қилишни лозим топдик. Негаки, охирги жавобда мақола юзасидан ўтказилган текширув ниҳояси хусусида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилинади.

ПРОКУРОР ПРОТЕСТ КЕЛТИРДИ!

("Ҳуррият". 1999й. 3-февраль. "Кимсан, Сирож Жабборов?")

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Э.Жўраев имзоси билан олинган мазкур мактубда жумладан шундай дейилган:

"ҲУРРИЯТ" газетасининг 1999 йил 3 февраль сонида чоп этилган "Кимсан, Сирож Жабборов?" сарлавҳали мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар Ж.Н. Жамолов ва Ф.Х. Зоировларга нисбатан жиноят иши ўрганилиб текширилди.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1998 йил 28 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Миробод туман судининг 1998 йил 19 июндаги ҳукмига кўра, Тошкент шимолий темир йўл бекатида перрон назоратчилари Ж. Жамолов, Ф.Х.Зоиров, Г.М.Соҳибов, И.Абдуқодиров ва Г. Фатхуллаевлар 1998 йил 8 феврал куни соат 8:00 да юкларни олиш учун келган С.Жабборов, О.Курбанов, Д.Якубов ва А.Пирматовлар фуқаро М.Исмоилованинг сумкасини адашиб олганликларни тан олишиб, ўзаро келишганликларига қарамасдан, шуни баҳона қилиб, умумэътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимаслик билан безорилик ҳаракатларини содир этиб, С.Жабборов ва О.Курбановларни ҳақоратлаб, қўл ва оёқлари билан уриб, тепиб С.Жабборовга ўртача оғир тан жароҳатлари етказганликда айбланиб, Ж.Жамолов ва Ф.Зоировлар Ўз.Р. ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми "а,б,г" бандлари билан ҳар бири 4 йилга озодликдан маҳрум этилганлар.

Г.Соҳибовлар, И.Абдуқодиров ва Г.Фатхуллаевлар терговдан яширинганлари учун уларни қисми алоҳида иш юритувига ажратилган.

Ўзбекистон транспорт прокуратураси Г.Соҳибов, И.Абдуқодиров ва Г.Фатхуллаевларни иши юзасидан тергов юритиб, уларни ҳаракатларида жиноят состави йўқ деб, 1998 йил 21 сентябрда ҳаракатдан тугатган.

Шунга кўра Тошкент шаҳар суди Раёсати 1999 йил 20 январдаги қарори билан ҳукмнинг тавсиф қисмидан Г.Соҳибов, И.Абдуқодиров ва Г.Фатхуллаевлар маҳкум Ж.Жамолов ва Ф.Зоировлар билан жиноятда иштирок этмаганлар, деб чиқарилган.

Г.Соҳибов ва бошқаларнинг жиноят ишини бекор қилиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон транспорт прокурори ўринбосари Б.К. Абдусаломов томонидан 26 феврал 1999 йили асоссиз бекор қилинган деган хулосага келиб, жиноят иши қўшимча терговга юборилган.

Г.Соҳибов, И.Абдуқодиров, Г.Фатхуллаев, Ж.Жамолов ва Ф.Зоировлар билан биргаликда жиноят қилганлигини ҳам ҳисобга олиб, Ж.Жамолов ва Ф.Зоировлар иши юзасидан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча терговга юбориш ҳақида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан Республика Олий судига протест келтирилди.

Ушбу жиноят иши бўйича жабрланувчи С.Жабборов маҳкум Ж.Н.Жамоловга нисбатан кўргазмасини ўзгартириш эвазига товламачилик йўли билан 3000 АҚШ долларим ва 10 минг сўмни талаб қилиб олганлиги учун Чилонзор туман судининг 1998 йил 20 августидаги ҳукмига кўра Ўз.Р. ЖК-нинг 165-моддаси 3-қисми "а" банди билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилган..."

Жавоблардан ва тўпланган бошқа маълумотлардан аён бўлдики, "Кимсан, Сирож Жабборов?" мақоласида зикр этилган масалалар бир мунча чигал, аммо мақола чиққандан сўнг уларга маълум маънода ойдинлик киритилди. Буни эътироф этишимиз шарт. Бироқ, таҳририятимизга келган бир нечта жавобларда айрим номутаносибликларга йўл қўйилганки, назаримизда, бу ҳолатга ўз вақтида масъулият билан қаралганда масала бу қадар чўзилиб кетмас, эҳтимолки, айни шу мавзуда қайта чиқиш қилишга ҳожат қолмас эди.

Мақола ёзилишига сабаб бўлган фуқаро Р.Соҳибованинг ҳақиқатни ҳимоя қилиш учун қатъият билан турли идоралар эшигини қоқиши, ўзи кутган натижани чиқара олмагач, пировардида "Ҳуррият"га мурожаат этганини алоҳида таъкидлашни истардик. Масала тегишли идораларда ўз ечимини топганда эди, журналистга иш қолмаган бўлар эди. "Кимсан Сирож Жабборов?" мақоласи бир фуқаро шикоятини қондириш ниятида газета юзини кўрди. Бу билан таҳририят шикоятчининг оғирини нечоғлик енгил қилди? Назаримизда, қилган меҳнатимиз бежиз кетмагандек. Буни Республика прокуратурасининг юқоридаги жавобидан ҳам билса бўлади. Қўлимиздаги охирги маълумотларга таяниб, юқоридаги жавоб хатга қўшимча қилишимиз мумкинки, Республика прокуратурасининг протестига мувофиқ Ўзбекистон Олий Суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 25.03.1999 й. ажримига кўра, Ж.Жамолов ва Ф.Зоировлар жиноий иши бўйича чиқарилган ҳукм ва қарорлар бекор қилинди ҳамда иш қўшимча терговга қайтарилди. Қўшимча тергов ниҳоясига кўра, жавоб-хатда қайд этилган Ўзбекистон транспорт прокурори ўринбосари жаноб Абдусаломовнинг 26.02.1999 й. кунги хулосасига қарши ўлароқ, Ғ.Соҳибов, И.Абдуқодиров ва Г.Фатхуллаевлар ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги боис улар устидан қўзғатилган жиноят иши иккинчи маротаба бекор қилинди. Ж.Жамолов ва Ф.Зоировларнинг қисми эса мазмунан кўриб, ҳал этиш учун 24.05.1999 й. куни Миробод туман судига юборилган. Қонун талабларига кўра, муайян жиноий иш бўйича то суд ҳукми чиқмагунча матбуотнинг аралашувига йўл қўйилмайди. Шу боис, ҳозирча юқоридаги маълумотларнинг газетхонларига етказиш билан ушбуга нуқта қўйишга мажбурмиз.Масаланинг бу ёғини қонуний ҳал этиш судларга ҳавола!

Турсунали АКБАРОВ

...Чархпалагим, чархпалак,
Айланасан мулойим...

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

Хат-хабар газетанинг нони, жони. Таҳририятга келган ҳар бир конвертни очганда ундан бир янгилик, бир ўзига хос фикр-мулоҳаза... бир ташвишларга, ҳасратларга тўла аламли ёзувларни ўқишга тўғри келади. Айтиш мумкинки, таҳририятга келадиган мактублар ҳаётнинг ўзидек ранг-баранг, ҳаётнинг ўзидек ранжу аламларга, қувончу шодумонликларга тўлиб-тошган. Мактубларни бирма-бир олиб ўқиганда, улар билан танишганда бир нарсага ачинасан киши, яъни хатларнинг ҳамма-ҳаммасидан фойдалана олиш имконияти йўқлигига! Чунки, газетамиз ҳафтада бир чиқади, унинг саҳифалари ҳам, "сиғим"и ҳам маълум. Шу боис фойдаланилмай қолган мактуб муаллифлари олдида баъзан ўзимизни хижолатли ҳис қиламиз. хижолат юкидан халос бўлиш ниятида, қоғоз қоралаб ўз мулоҳазаларини "Ҳуррият"га раво кўрган ва бизга йўллаган муаллифларга самимий ташаккуримизни билдиргимиз келади.

Мана уларнинг исми-шарифлари: Абдунаби Орипов, Нурбек Раҳим (Фарғона), Саидмурод Саидаҳмад, Ҳ.Ҳамидов, Гулсара Шерматова, Махматқул Абдуазизов (Самарқанд), Г.Ҳакимова (Фарғона), Д.Ҳамрақулов (Андижон), Бердиалиев Содиқ, Ф.Мусаева, Мадамин Ражабов (Қўқон), Зокиржон Иброҳимов (Андижон), Мунаввар Рашидова, Хожи Сайфиддин Сайдуллоҳ (Шаҳрисабз), Аҳмаджон Раҳматуллаев, Юсуф Ҳамдамов, Абдурасул Муродов (Жиззах), Мингбоев Камолиддин (Сариосиё), Умиров Ғанишер (Қамаши), Й.Солижонов (Фарғона)лардир.

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин ва умид қиламизки, у ҳамиша мана шунақа узилмайдиган узоқ бўлади. Имкон бор экан, мухлисларимизга хизмат қиламиз ва табиийки, яна мактублар кутиб қоламиз.

"ҲУРРИЯТ"

ЖАҲОЛАТ ЗАНЖИРИ

(Боши 1-бетда)

Тўғри, ҳаёт мураккаб, умр йўлида кимдир алданиши, чалғиши, ўзи билмаган ҳолда номақбул жинкўчаларга адашиб-нетиб кириши мумкин. Лекин одамни ҳушёрликка чорловчи ақл-идрок, фаросат, фуқаролик масъулияти, сиёсий зийраклик деган тушунчалар ҳам йўқолиб кетмаган.

Жарв қишлоғида ваҳшиёна ўлим топган ватандош йигитларни кўз ўнгимизга келтирайлик: кимлар эди улар? Ҳаётга келиб нима кўрди улар? Инсон умрининг моҳиятию ҳикматини нимада деб билган эдилар? Лўндасини айтганда, қайси сертикан сўқмоқлар Жарвга етаклаб борган эди уларни?

Жавобни ҳам лўнда қиладиган бўлсак, калтабинлик дея жавоб беришга тўғри келади.

Ҳаётдан жуда эрта жудо бўлган ўша кимсаларнинг ҳам ота-онаси, қариндош-уруғи, ёр-биродарлари, фарзандлари бордир. Барча таниш-билишлари назарида улар имон-эътиқодли, ориятли ва диёнатли одамлар ҳисобланган-дир. Уларнинг орасида тирикчилик кўйида вақтинча оилани тарк этганлар ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Кимнинг мақсад-маслаги қандай бўлганидан қатъий назар, бир нарса аниқ — улар ватан хоинлари тўдасининг аъзоларига айланган эдилар! На ота-онаси, на ёр-биродарини танийдиган ватанфурушлар наздида panaпастқамда пусиб юрган ўша қочоқлар чинакам ватанпарварлар эди, гўё ўшалар муқаддас жиҳод йўлини танлаганлар эди!

Айтинг-чи, она ватанга, ватандошларга қарши кураш ҳам жиҳод саналадими?..

Шунинг ўзи алданиш эмасми?.. Яна айтинг: алданишлар занжири нима билан тугайди?

Қатлиом билан!..

Аянчли вазият: бир ёқда мамлакат раҳбари тўғри ва инсоний йўлга қайтган фуқароларга умумий авф эълон қилиб турсаю, бу инсоний бағрикенглик ва олижанаблик не-не адашган ва алданган тақдирларни муқаррар тубанликдан халос этиб турган бир пайтда ўзларининг адашганликларини ҳис этиб, тавба ва истиғфор айлаш ниятида она юрт бағрига интилсаю, тўғри йўлга қайтиш... ўлим билан мукофотланса!..

Тожикистондами, бошқа юртлардами — ватандан олисда бузуқ ниятлар билан юрган тўдаларга хос бўлган шафқатсизлик хусусияти эмасми бу? Мана, уларнинг мукофоти!.. Мана, диёнат, мана, оқибат!..

Ақидапарастларнинг кирдикорларини фош қилган уламоларимиздан бири уларнинг ахлоқсизликлари нақадар ислом одобидан йироқлигини уқдирган эди. Бу фикрнинг нақадар ҳақлиги Жарв қирғини чоғида яна бир карра ўз исботини топди. Ўзларини соф исломий эътиқод ҳимоячилари деб келаётган жангарилар кечагина ўз сафдош ва маслакдошлари ҳисобланган 18 нафар одамнинг калласини танасидан жудо қилиб, "жасадлар мусулмончилик қоидаларига мутлақо амал қилинмаган ҳолда кўмиб ташланган".

Хўш, буни қандай баҳоламоқ керак? Ўша жангарилар қолган сафдошларига бундан кейин яна қандай "оқибатлар" кўрсатишаркин? Умуман ўша тоифа кимсалар ихтиёрига фарзандларимизни ишониб топшириш соғлом ақл доирасига сиғадими?..

Яна бир ҳалқа ёхуд Тожикистон тупроғи қачон қонга тўяди?

Матбуотда эълон қилинган "Жангарилар лагеридаги шафқатсизлик" мақоласидаги қуйидаги жумлаларга эътибор қилинг: "Душанбедан олинган хабарларга қараганда, ўт очганлардан тўрт киши Ғарм туманини назорат қилиб турган Бирлашган тожик мухолифати аскарлари томонидан қўлга олинган. Бу ҳол Душанбега юз берган фожеа ҳақида ҳеч қандай расмий хабар бермаслик учун баҳона бўлди. Сабаби — ҳукумат кучлари Ғармга кира олмас эмиш".

Ана, холос! Биринчидан мамлакатнинг муайян қисми мухолифат аскарлари ихтиёрида бўлса, ҳукумат кучлари у томонларга ўта олмаса, иккинчидан шу баҳонада бу қадар ёвузларча юз берган қонли ҳодисалар ҳам "бу менга дахлдор эмас" қабилида масъулиятдан соқит қилинса! Ия, бунақада мамлакатнинг эгаси ким ўзи?!

Учинчидан, Ўзбекистонни тарк этган турли жиноятчи унсурлар Тожикистон ҳудудидан паноҳ топаётганлари ҳақидаги гап-сўзлар рад этиб келинаётган эди. Буёғи неча пулдан тушди?! Қуролли тўдалар у ёки бу қишлоқда эмин-эркин яшайверса, улар мутлақо назорат остига олинмаса... неча йиллардан бери тўкилаётган бегуноҳдан-бегуноҳ қонлардан қачон Тожикистон замини тўяди, ахир?!.

Гап маҳаллий ҳукуматнинг ноқобиллигига, вазиятни қўлга ололмаётганига бориб тақалмаяптими?..

Ўзбекистон Президенти мамлакатимизда, Марказий Осиё минтақасида ва умуман бутун дунёда барқарорликни сақлаш муаммолари юзасидан озмунча фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ўртага ташладими! Ватанимиз ҳудудида халқ фаровонлиги ва тинчлигини таъминлаш борасида белгилаб берган тамойиллари, амалий тадбирлари ўз натижасини яққол кўрсатмоқда. У кишининг "девор-дармиён" қўшнимиз бўлмиш Тожикистоннинг ва тожик халқининг аянчли тақдиридан куюниб айтган гаплари ҳақли равишда бутун ўзбек халқининг, қолаверса, ишонч билан айтиш мумкинки, афкор тожик халқининг орзу-ниятларига айланиб кетди. Бироқ...

... Жаҳолатнинг занглаган ҳалқаларини фақат ва фақат ана шу эзгу орзу-ниятларгина парчалайди, дўстлик, иноқлик, янги тафаккур ва соғлом ғояларгина бу занжир ҳалқаларининг адоқсиз давом этишига йўл қўймайди. XXI аср бўсағасидаги соғлом маърифий ва ҳуқуқий жамият қуриш тамойиллари шуларни тақозо этади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ТАЪЛИМ ЗАРУРМИ ЁКИ МУЗҚАЙМОҚ?

Сўнгги ўн йил давомида 12 млн. бола бошпанасиз қолди

Муаммо

Кеча дунё ҳамжамияти Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини нишонлади. Шу куни оламни беғубор "одамча"ларнинг шодон қийқириқлари, самимий ўйин-кулгулари тутди. Дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам шундай бўлдими? Афсуски, йўқ.

Шу куни зиддиятлар авжига чиққан минтақа болалари оналари ҳамроҳлигида ўзларига тинч жой излаб, отамерос уйларини тарк этишди. Яна қайсидир болакай хўжайинидан гап эшитмаслик ва кундалик чойчақадан айрилиб қолишдан қўрқиб, жон-жаҳди билан қора терга ботиб юк ташиди. Яна қайсидир қизалоқ қўлларини болиш қилганича кўча йўлагида ётиб, мактаб, дафтар-қалам ҳақида ширин туш кўрди. Яна...

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, айни пайтда дунё бўйича 250 млн.бола тўлиқ ёки ярим иш кунида жисмоний фаолият кўрсатмоқда. Бу уларнинг таълим олишлари учун, беғубор болалик гаштини суришлари учун имкон қолдирмаяпти. Болалар меҳнатидан фойдаланаётган энг "олди" мамлакатлар Бразилия, Ҳиндистон ва Бангладеш ҳисобланади.

Дунёда атиги 495 млн. /79 фоиз/ бола бошланғич таълимга жалб этилгани ҳолда, 130 млн /21 фоиз/ бола мактаб нима эканлигини билмайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, таълим соҳасига Жанубий Африка давлатлари 1,9 млд. доллар, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка 1,6 млд доллар, Жанубий Осиё давлатлари 1,6 млд. доллар, Шарқий Осиё ва Тинч океани 0,7 млд. доллар, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси давлатлари 1,1 млд. доллар миқдорида умумий ҳисобда йилига 7 млд. доллар қўшимча зарурий маблағ сарфласаларгина 2010 йилдан бошлаб барча болалар бошланғич мактабларга боришлари мумкин бўлади. Бу рақам европаликларнинг музқаймоқ учун сарф этадиган бир йиллик маблағи /бу 11 млд.ни ташкил этади/ ва АҚШнинг космик воситаларга харжлайдиган бир йиллик маблағидан анча камроқдир.

Дунёнинг турли чеккаларида кечаётган тинка-мадорни қуритувчи ҳарбий ва ички низолар инсон ҳуқуқларига, айниқса болалар ҳақ-ҳуқуқига жиддий таҳдид, мисли кутилмаган хавф туғдираяпти, бу ҳуқуқларни паймол этаяпти. UNICEF маълумотларига қараганда сўнгги ўн йил давомидаги ҳарбий ва ички низолар туфайли 2 млн. бегуноҳ бола оламдан кўз юмди, 6 млн. бола жиддий шикастланди ёхуд умрбод ногирон бўлиб қолди. Шу давр ичида 1 млн.бола ўз оиласидан, қариндошларидан ажраб қолди, 12 млн. бола умуман бошпанасиз қолиб, дарбадарлик кўчасида тентирашга маҳкум бўлди ва 10 млн. норасида машъум урушлар оқибатида руҳан жароҳатланди. Руанда, Сомали, Афғонистон, Замбия, Ироқ, Судан, Танзания, Ангола ва Колумбия яна ўнлаб бошқа ҳарбий низо ўчоқларида минг-минглаб бегуноҳ болаларнинг қони тўкилди. Бу мислсиз йўқотишлар, келажакни ўз қўли билан майиб-мажруҳ қилиш дунё учун қанчага тушди экан? Ҳолбуки, бундай қурбонликлар ҳануз давом этаяпти.

Шулар ҳақида ўйлаганингда кўз олдинг қоронғулашиб, вужудингни титроқ босади. Хайриятки, Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ҳукм сураяпти. Мамлакатимизда ота-онаю қўни-қўшнидан тортиб ҳукумат раҳбари - Президентгача - ҳамма болапарвар. Бу гўша болалари ҳар куни, ҳар дақиқа ҳимояда. Кўнгилга таскин берадигани ҳам аслида шу.

Норали АСЛОН

КИМ ИНСОНУ, КИМ МАЛЪУН

FBI: оммавий қирғин қуроллари + терроризм = инсониятга таҳдид!

Хатар

Охирги йилларда жаҳонда террорнинг, айниқса, уюшган терроризмнинг кучайиб бораётгани ташвишли ҳол. Бу, ҳатто, йирик ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларини ҳам уларга қарши жиддий кураш олиб боришга ундамоқда. Айниқса, бугунги кунда — илм-фан тараққий топиб, қуролларнинг ҳам турли-тумани кашф этилган бир шароитда хатар ортса ортмоқдаки, камаймаяпти. Америка Қўшма Штатлари Федерал Қидирув Бюросининг ҳам жиддий хавотири — оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб бораётгани ва уларнинг террорчилар қуролига айланиб қолиш эҳтимолидан.

ФҚБнинг терроризмга қарши кураш бўйича вакили Уотсоннинг айтишича, бюро оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши Америкаиинг миллий хавфсизлигига очиқ-ошкора таҳдиддир, деб ҳисоблайди. Шунинг учун бу хавфсизлик ташкилоти томонидан оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш бўйича бир қанча дастурлар ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Американикларнинг бундай тадбирларга қўл уришининг боиси бор, албатта. Чунки оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши кўп ҳолларда АҚШга қаратилган. Яъни, оммавий қирғин қуролларига эга бўлишни ва уни ишлаб чиқариш бўйича ўз технологиясини яратишни истайдиган баъзи гуруҳлар ёки чет элдаги айрим "доҳий"лар ўз мақсадлари йўлида АҚШ қуроли ва технологиясини ўзлаштиришга уринишмоқда. ФҚБдагиларнинг таъкидлашича, бундай уринишлар оз бўлаётгани йўқ. Ана шундай ҳаракатларнинг бир қанчалари фош этилди. Терговь натижаларига кўра, ядровий, кимёвий ёки биологик қуроллар ёхуд уларга тегишли воситаларни қўллаш мақсадида қўлга киритишга уринишлар ҳам бўлган. Аммо аксарият ҳолларда хорижий "доҳий"лар ўз оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлиш орзуси билан "куйиб-ёнаётганлик"ларини кўрсатмоқда. "Сўнгги истеъмолчи" ("буюртмачи")нинг шахсини яшириш мақсадида "ясама" компания ва "воситачи"лар томонидан "чув туширилган" маҳаллий фирма ва фуқароларнинг бундай "операция"ларда "мажбурий иштирокчи"га айланиб қолиш ҳоллари ҳам оз эмас. "Сўнгги истеъмолчи"лар кам бўлса-да, керакли восита, жиҳоз ва технологияни қўлга киритиш учун "хизмат қилаётган" ўз агентларидан умидвор бўлишади.

Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик бўйича иккинчи тадбир "тарқатмаслик дастури"дир. У ФҚБ ва АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Бу дастур Конгресс томонидан тасдиқланди ва 1995 йилиёқ унинг татбиқ этилишига ажратилган 10 миллион доллар хорижий ҳамкорларга ходимлар тайёрлаш ва уларни жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун фойдаланилади.

Энг хавотирли ҳол эса, оммавий қирғин қуролларининг террорчилар томонидан ўзлаштирилиши ва инсониятга қарши қўлланилишидир.

Яқин ўтмишда Жаҳон савдо марказида, Оклахомадаги Альфред П.Мюррей федерал биносида, Атлантадаги Олимпия ўйинлари чоғида содир этилган портлашлар АҚШнинг терроризмга қарши ҳушёрлигини оширди. Бу эса бир қанча террористик актларнинг олдини олинишини таъминлади. 1995 йили Японияда Токио метросида оддий аҳолига қарши кимёвий қурол ишлатилди. Шу ерда қўлланилган асаб-фалажловчи "зарин" газидан фойдаланишга уриниш террорчилар томонидан АҚШда ҳам содир бўлган ва унинг олди олинган эди.

ФҚБ терроризмга қарши кураш бўйича вакили Уотсон: "АҚШ ҳудудида оммавий қирғин қуролларидан фойдаланишга уриниш хавфи бор, бироқ бу хавфни бўрттирмаслигимиз ҳам ва аксинча, менсимаслигимиз ҳам керак эмас", демоқда.

Бугунги кунда Америкада "ёлғон хавф" ("ложная тревога")лар ҳам учраб турибди. Оммавий тартибсизликларни кўришга иштиёқманд баъзи шахслар "бомба қўйилган" деб эмас, балки "экзотик"роқ йўл — кимёвий ёки биологик қурол билан "огоҳлантириш"ни "одат" қилишмоқда. Аслида ҳам террористик гуруҳлар портловчи моддаларга нисбатан ана шу воситалардан фойдаланишни афзал билишмоқда.

Оммавий қирғин қуролларини ишлатиш, ишлатишга ва ўзлаштиришга уриниш бўйича жиноий ишлар тобора кўпаймоқда. ФҚБ томонидан олиб борилган терговлар натижаси 1995 йилдан бери бундай жиноятлар сони ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич 1996 йили 37, 1997 йили 74 тани, 1998 йилга келиб 181 та жиноятни, 1999 йилнинг ҳозирига қадар эса 114 та жиноят ишини кўрсатмоқда. Бу жиноятларнинг тўртдан бир қисми биологик қуролларга алоқадор, энг "оммавийлашган" биологик қурол эса — "сибирь йиринги" ("сибирская язва") бўлиб қолмоқда.

Шу йилнинг февраль ойида ФҚБ томонидан яна бир шундай жиноят фош этилди. Жиноятчилар — бир ёсий гуруҳ аъзолари 292 (24 йил-у 4 ой) муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Улар федерал хи... ларга қарши оммави... ғин қуролларидан ф... нишга уринишган. Ун... ноятчилар ВИЧ (СПИ... қутуриш касали в... юқтирилган кактус иг... отувчи қуролларга ... бўлишган. Бу қуроллар ... дий зажигалка кўринишида ясалган...

...Кимдир ақлу-идрокини, меҳнату машаққатини эзгулик йўлига сарфласа, яна кимдир ёвузлик йўлида жон куйдиради. Кимнидир одамлар Ҳазрати Инсон деб хотирласа, яна кимнидир лаънати малъун деб эслайди...

USIS материаллари асосида
ШЕРЗОД тайёрлади

СЕНИНГ ДАҲОЛИГИНГ

Улуғ немис шоири ва мутафаккири Йоханн Вольфганг Гёте таваллудининг 250 йиллиги нишонланмоқда

БАХТИЁРЛИК АЗОБИ

Бахтиёрлик азоби
Менинг сўзим ахли билимга,
Қора авом англамас уни,
Ким интилса тотли ўлимга
Шарафлайман шундай умрни.

Муҳаббатнинг илк туни инар,
Сен яралган, сени яратган.
Ва дилхуш бир ҳис пайдо бўлар
Гар йироқдан кўринганда шам.

Ором олмай соя-салқинда,
Ва зулматдан кетиб йироққа.
Интиласан дадил ва жўшқин,
Ўт васлига бахтли никоҳга.

Узоқ йўлни писанд қилмасдан
Учиб келдинг сен ёна-ёна.
Ва оловни кўзга илмасдан
Яшаш учун ўлдинг парвона.

Гар қалбингда янграмас эди,
"Ўл ва яша" дейилган нидо.
Сени дерди бебахт келгинди,
Зулмат қучган қора заминда.

ЧЕКСИЗЛИК

Сенинг сўнгсизлигинг даҳолигингдир.
Беибтидолигинг танҳолигингдир.
Шеъринг гўё айлангувчи само,
Бошию охири бирдай доимо.
Бошию сўнгига тушган ёруғлик
Шеърнинг ўртасига берар тиниқлик.
Сен ўзинг хуррамлик, шодлик чашмаси.
Ғам тўлқинлари қалбинг ошнаси.
Бўсага талабгор лабларинг титраб,
Шаробга серташна томоғинг чўллаб,
Мусаффо қалбингдан учирар қўшиқ,
Шаробни қўмсайди қалб майга ошиқ.
Мен кўҳна дунёга ғарқ бўлиб шул тоб,
Ёлғиз қолиб Хофиз сен билан бир дам.
Дардлашмоқ истайман, қувонч ила ғам.
Қалбимда эгизак сендек менинг ҳам.
Сендаги муҳаббат, сен ичган шароб
Менинг ҳам ҳаётим, қалбимга малҳам.
Янгра қўшиқ, ёлқин сочиб уч!
Сен қадимсан, сенда бутун куч.

Олмончадан Шуҳратхон Имяминова ва Орол Маматкаримов таржимаси



Болаликнинг беғубор онлари

ҲАР ХИЛ ФИКРЛАР

Қатралар

Исмоил ШОМУРОД

АҚШнинг Айдахо штати қамоқхоналаридаги маҳкумлар жазоланадиган интизомбузарликлар:

Сусткашлик, қўлларини чўнтакка суқиб юриш, қўл ёки юзнинг кирлиги, полга тупуриш, келувчиларга тикилиб туриш, кулги ва аҳмоқчилик, сочнинг тaралмаганлиги ва бошқалар.

* * *

Америка тарихининг бошланиш даврида Салем шаҳрида "Салем жараёнлари" деб ном олган суд иши кўриб чиқилган. Унга кўра, жодугар аёллар гулханда ёқилган. Кейинчалик жодугарларни ёқишни бас қилишгач, улар йўқолиб кетди. Худди бизда 1990 йилда 4296 чайқовчилик факти аниқланган бўлишига қарамай, бугунги кунда улардан бирорта ҳам қолмаганидек.

* * *

"Ўз хотинини жазмани билан ушлаб олиб, уни ўлдирган эр ҳеч қандай жазога тортилмайди".

(Франция Республикаси Жиноят кодексининг 324-моддаси, XIX аср.)

* * *

Тўлиқ ёки қисман штат маблағи ҳисобига фаолият кўрсатувчи университет, ёки оддий мактаб, ёки бошқа ўқув юртида инсоннинг илоҳий, Инжилда кўрсатилганидек, келиб чиқишини инкор этиб, унинг ўрнига инсонни паст ҳайвонлардан тарқалганлиги ҳақидаги ҳар қандай назариядан таълим берувчи ўқитувчи ғайриқонуний ҳаракат содир этган ҳисобланади".

(АҚШнинг Теннеси штати қонуни. 1925 йил).

* * *

Америка Қўшма Штатларида аҳолининг 250 нафаридан бири қўриқлаш соҳасида хизмат қилади, Россияда эса ҳар 100 кишининг биттаси шу соҳада банд.

* * *

"Пахта иши" авжига чиққан 1986 йили Ўзбекистонда порахўрлик бўйича 742 факт аниқланган бўлса, йилдан-йилга камайиб бориб, бу кўрсаткич 1990 йилда 194 тани ташкил қилди. 1986 йил Ўзбекистонда 16 ёш ва ундан катта бўлган 10 минг фуқарога 6,8 тадан порахўрлик факти тўғри келди.

* * *

1810 йилда Россияда крепостнойларнинг нархи: ишчи қиз - 150 рубл, эркак - 200 рубл, бинойидек ёзадиганлари учун 300 рубл эди.

* * *

"Қачонки шаҳарларда файласуфлар шоҳлик қилмас эканлар, ёки бугунги шоҳлар ва ҳукмдорлар сидқидилдан ва қониқарли тарзда файласуфлик қилмас эканлар, қачонки давлатнинг кучи ва фалсафа бир жойга жам бўлмас экан, давлат учун ҳам, ва ҳатто, менимча, инсоният учун ҳам офатнинг чеки бўлмайди".

Афлотун. "Давлат".

* * *

"Қонунлар фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тузилади. Агар фуқаро, дейлик, ўн қанотли иблиснинг борлигига ишонса, биз қозилар у иблисни жазолайдиган қонун қабул қилишга мажбурмиз".

Темур Пўлатов қаҳрамони

* * *

"Дунё "ҳақиқат хизматчилари"га тўлиб кетгандек туюлишига қарамай, ҳақиқатпарварлар жуда кам учрайди, ундан ҳам камроқлари буни тан олишади ва деярли ҳар доим ўзларига нисбатан, сохта эзгуликпарварлар ҳурмат ва эътиборга бурканган ҳолда ўз юришларини давом эттираётган бир пайтда, ўлардай нафрат уйғотишади. Ҳақиқатан ҳам ҳақиқатга хизмат қилувчилар жуда кам, чунки фақат айримлардагина ҳақиқатпарвар бўлишлик иродаси бор, шуларнинг ичидан ҳам жуда камчилиги ҳақиқатпарвар бўлишга етарли куч-қудратга эга".

Фредрих Нищше.

* * *

Врач, судья, молиячи бошқаларнинг бахтсизлиги ҳисобига кун кўради.

Маркиз де Сад.

ҚОТИЛНИ ОҚЛАБ ЮБОРИШ, БЕГУНОҲНИ ДОРГА ОСИШ...

Насиҳат энг бефойда нарсдир; аҳмоқ уни тингламайди, ақлли уни муҳтож эмас.

* * *

Бир эркакка илм ўргатиб, сиз бир кишини саводхон қиласиз, бир аёлга илм ўргатсангиз, бутун бир оилани саводхон қиласиз.

* * *

Аллоҳ таоло Аёлни Эркакнинг пешонасидан яратмаганки, у эркакнинг бошига чиқиб олсин, Эркакнинг оёғидан яратмаганки, у эркакнинг оёғи остида бўлсин, балки қовурғасидан яратган, токи у эркак қалбига яқин турсин, деб.

* * *

Қотилни оқлаб юбориш бегуноҳни дорга осиш билан баб-баравардир.

* * *

Икки-уч маротаба уй алмаштириш бир марта уй ёнишидан баттарроқдир.

* * *

Муҳтожларга очилмайдиган эшик шифокорга очилади.

* * *

Ота лоқайд бўлиши мумкин, туғишган ини душман бўлиб қолиши мумкин, эр-хотин ўртасида адоват чиқиши мумкин, аммо она муҳаббати ҳеч қачон заволга юз тутмайди.

* * *

Китоб ўқишни севадиган киши умуман яхши киши бўлади. Аммо ахлоқсиз китобларни ўқийдиган кимсадан китоб ўқимайдиган одам яхшироқдир.

* * *

Ўтинларни дона-доналаб ёқсанг, тутайди, ҳаммасини бирваракайига ёқсанг, ёруғлик беради.

Тўпловчи: Шароф МИРЗАЕВ

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Қизиқ

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ

Жорж Бушнинг ўғли АҚШда 2000 йилда бўлиб ўтадиган президент сайловларига қўйилган номзодлар орасида энг кучлиси сифатида эътироф этилмоқда. Маълум бўлишича, у ёшлигида ичкиликка ружу қўйган ва кокаин истеъмол қилган экан.

* * *

Англия Ҳаво Йўллари (British Airways) раҳбарияти Сан-Франциско - Лондон йўналишида учган 391 йўловчидан кечирим сўради. Сабаби, учиш пайтида самолёт салонида янглишмовчилик билан "қулаяпмиз" деган эълон эшиттирилган.

* * *

Англиялик ёш жарроҳ Хитер Кларк Лондондаги бир пивохонада келиб чиққан жанжал оқибатида юрагига пичоқ урилган кишини ўша ернинг ўзида маст-аласт кишиларнинг ўртасида ва ғира-шира чироқ нури остида операция қилиб, ҳаётини сақлаб қолди.

* * *

1992 йилдан бери Олмонияда яшаётган ва асли Косовалик албанлардан бўлган Кастрати оиласига уларнинг 10 ойлик қизи мамлакатдан чиқариб юборилиши билдирилган расмий мактуб келган.

* * *

Разведка маълумотларига кўра, Сурия давлатининг бошлиғи Хофиз Асад катта ўғли Бешарни мамлакат тахтига ўтқазиш мақсадида узоқ йиллардан бери биргаликда ишлаган энг яқин ёрдамчиларини ўзидан узоқлаштирган.

* * *

АҚШда кечаси уйқудан уйғониб овқатланиш одати даволаниши керак бўлган касаллик сифатида эътироф этилди.

* * *

Франциянинг жануби-ғарбида юз берган кучли бўрон оқибатида узум боғлари зарар кўрди. Маҳаллий шароб ишлаб чиқарувчилар касаба уюшмаси Давлат Метеорология Институтини нотўғри об-ҳаво маълумоти учун судга берди.

* * *

Туркиянинг Муш шаҳрида бир гуруҳ ёшлар бўлажак келинларнинг ота-оналари томонидан қалин олинишига қарши намойиш ўтказишди.

* * *

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти сигаретларни рецепт орқали сотиш ҳақида таклиф киритди.

* * *

Ҳиндистон Компьютер дастурлари ёзиш саноати уюшмаси магазинлардан тўплатилган контрабанда компакт дискларни йўқ қилишнинг ғаройиб усулини қўллади. Дискларни филлар эзиб, янчиб ташлади.

* * *

Япония Тижорат ва саноат вазирлигининг маълумотларига кўра, мамлакатда қўлланилаётган қопқоғи иситиладиган ҳожатхона жиҳозларининг сони компьютерлар сонидан ҳам кўп экан.

* * *

Туркиялик машҳур хонанда Садо Саян ўзига қайлиқ топиш учун эртаклардаги маликалар қўллаган шартлардан ҳам антиқароқ шарт эълон қилди. Садо хоним, кимда-ким унинг исмини ҳаво шарига ёздириб, Истанбул осмонида парвоз қилса, ўша киши билан турмуш қуришини билдирган.

АЖАБО!

Африкалик чақалоқлар оқ танли чақалоқларга қараганда йиғлоқи эмас

"Ўзингни англаб ет!"

Мустақил газета ҲУРРИЯТ

2 - 8 июнь
22 (124)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон ЎЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233
Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Босиш вақти — 21.00
Топширилди — 19.30
Буюртма — Г 0484

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Ахлоқ

ИСНОД

Ҳозир Сиз ушбу сатрларни ўқиётган паллада ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган бир қиз қалбини андуҳнинг бераҳм, ўткир тишлари аёвсиз кемирмоқда

Қиз нажот илинжида, милтиллаган бир зиё истаб келажакка - олис манзилларга кўз тикади, лекин унинг нигоҳи қаршисида фақат зим-зиё, тубсиз бўшлиқ намоён бўлади. 17 ёшга тўлмаган қиз боланинг сочларига оқ оралади... Она, ота ҳам ҳаловатларини йўқотишган.

...Шанба куни пойтахтимиздаги муҳташам ресторанларнинг бирида дабдабали тўй бўлиб ўтди. Тўкин-сочин дастурхон атрофидаги меҳмонлар қадаҳ кўтариб, алёрлар айтдилар, келин-куёвга эзгу тилаклар изҳор этдилар. Лекин куёв ота-онасининг юзига диққат билан разм солган киши қандайдир чуқур дард, хавотир кўланкаларини пайқаши мумкин эди. Чунки тўйда бир қанча яқин қариндошлар, куёвнинг амакиси иштирок этмаётган эди.

Ҳаммасига ўша машъум кунда ўйланмай босилган қадам сабабчи бўлди...

Ака-ука - Одилхон ва Асадхон икки қаватли коттежда истиқомат қиладилар. Биринчи қаватда Асадхон оиласи билан,иккинчи қаватда эса унинг акаси Одилхон рафиқаси, икки ўғил ва бир қизи билан яшайди. Нохуш воқеалар силсиласи шундай бошланди:

1997 йилнинг 14 февраль куни Асадхон ака қизи Назокат қаттиқ иситмалаганлиги сабабли уни касалхонага олиб борди. Шифокорлар: "Қизингизнинг буйрагида ўзгариш бор, УЗД га туширсангиз фойдадан холи бўлмас", - дея маслаҳат беришди.

Агар муолажа қилаётган шифокор ўзининг айтажак сўзлари она юрагига ханжар бўлиб санчилишини билганида, эҳтимол, ҳақиқатни айтишга зинҳор шошилмаган, етти ўлчаб бир кесган бўларди. Аммо у она учун мудҳиш сўзларни айтди: "Яқинда неварали бўласиз, қизингизнинг 16 ҳафталик ҳомиласи бор экан". Онаизор лаҳаддан товуш эшитгандек сесканиб кетди, бошига гурзи урилгандек бўлди...

Бироздан сўнг ҳушига келган она: "Бундай бўлиши мумкин [illegible]", - дея сочларини юлиб, со[illegible]ардан киртайиб қолган [illegible] со[illegible]ни гоҳ "УЗД" экранига, [illegible] мга тикар, лекин шу тоб[illegible] Унд[illegible] нарсани кўрмас, эшитмас ҳақида[illegible] батми[illegible]ида ҳеч нарсага тушунма[illegible] йигит[illegible]зокатнинг: "Қанақа бола?" алли[illegible]ан чинқиригидан деворлар [illegible]аб кетгандек бўлди. Воқеа[illegible] ҳайрон кузатиб турган шифокорнинг: "Ие, қизингизни ҳали узатмаганмисиз?" - деган сўроғи эса она-болага қаро дунёни баттар зимистон қилди...

Оқ ювиб, оқ тараб 17 ёшга етказган қизининг бу шармандали ҳолига чидай олмаган онаизорга кўчадан ўтаётган ҳар бир йўловчи қўлини бигиз қилиб: "Мана, қизининг аҳволини кўриб қўйинглар", - деяётгандек, ҳар бир қадами уни қора тупроққа қориштираётгандек эди.

"Назокат, нима қилиб қўйдинг, менинг орзу-ҳавасларим шумиди?! Яхши хонадонга келин бўлиб, гул-гул яшнаб юрсанг, этак-этак фарзандни куёвинг билан катта қилсанг бўлмасмиди?! Энди отангга, қариндош-уруғларимизга нима деймиз? Шунчалар ҳам пешонам шўр бўладими?!.."

Муниса опа қалтис бу хато яна қандай кўргуликларни етаклаб келишини ҳатто тасаввурига ҳам сиғдира олмасди.

Уйга кириб келгач, қизини сўроққа тутди. Назокат юм-юм йиғлаб:

- Ойижон, Ҳошим акам пичоқ ўқталиб, ҳақоратлаб, уйимизда ҳеч ким йўқлигида менга тегинди...

Назокат мудҳиш воқеани онасига бирма-бир сўзлаб берди.

Қизининг ҳар бир сўзи онанинг юрагига найзадек санчилар, бегона эмас, балким ўз овсинининг ўғли бу шармандаликни содир этгани эса жон-жонидан ўтмоқда эди. Хунук хабарни қай тарзда эрига айтади? Ота қай аҳволга тушади? Қайноғаси, овсини бундан хабар топсалар, қандай йўл тутишар экан?..

Ота эса аёлининг гапларини эшитар экан, қандайдир куч унинг миясини темир исканжасига олгандай бўлди. Ҳали Муниса опа сўзини охирига етказмасидан, у тура солиб Назокатга ташланди.

- Ҳой, адаси, ўзингизни босинг! Ахир, ахир... ҳомиласи бор!

Юқорига кўтарилган қўллар ҳавода муаллақ қолди...

- Наҳотки ўз акамнинг ўғли шу ишни қилган бўлса?! - бақирди Асадхон ака.

Уй қий-чувга тўлди. Асадхон ака юрагини чангаллаган, Муниса опа унга устма-уст дори ичирган...

Ўзбек оиласи учун энг катта иснод - қиз боланинг шаъни, номуси. Ҳатто энг иродали ота-она ҳам бундай ҳолатда эсанкираб қолади.

Ҳаяжонлар сал босилгач, Муниса опа йигитни ва унинг онасини чақириб, бўлиб ўтган воқеадан хабардор қилди. Бироқ Ҳошимнинг онаси баланд келди: "Менинг ўғлим айбдор эмас, унга бундай тарбия бермаганман. Врачга борамиз, ҳаммасини текширтирамиз..."

Шу алфозда соатлар ўтди. Ниҳоят кечга яқин "айбдор" томон ҳомилани олиб ташлашга ёрдам беришлари мумкинлигини маълум қилдилар...

Шу кеча неча йилларга татиганини фақат Асадхон ака ва унинг оила аъзолари биладилар. Эрта тонгда маслаҳатни бир ерга қўйиб, отаникига қараб йўл олишди ва бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердилар. Кечга томон Асадхон аканинг отаси, опаси келишди.

- Энди, болаларим, жуда хунук иш бўлибди. Бу иш менинг ўғилларим, невараларим орасида содир бўлади, деб зинҳор ўйламагандим. Бўлган иш бўлиб ўтди, энди тинч йўл билан масалани ҳал этиб, икки ёшни бир-бирига қовуштириб қўяйлик. Эл-юртга гап-сўз бўлмайлик, - дея ота насиҳат қилди. Бироқ...

Кекса отанинг кўз ёшлари ҳам, "Эл-юрт олдида шармандаликдан сақланинглар, бўлар иш бўлди энди, қуда бўлинглар", - деб илтимос қилган опасининг нолалари ҳам ота-она кўнглини юмшатолмади.

Хуллас, натижа яна гинеколог ва УЗДга тақалди. Мутахассислар адашмаган эканлар. Қиз ҳомиладор...

Тўрт кун юракда ғулғула билан Асадхон аканинг хонадони мотамсаро ҳаёт кечирди ва ички ишлар бўлимига мурожаат қилишга аҳд қилдилар.

Милиция ходимлари воқеани обдон сўраб-суриштиришиб, жабрланувчиларни туман прокуратурасига бошлаб бордилар. Шу куни, яъни 20 февраль оқшомида Ҳошимни ҳибсга олдилар.

21 феврал куни Муниса опа турмуш ўртоғи билан терговчи ҳузурига борди.

"Ҳошим ҳаммасини бўйнига олди. Энди тўй-томоша билан қизингизни келин қилишади. Йигит тараф рози бўлди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши уни тиббий экспертизадан ўтказинг!"...

Шу куни Ҳошим бувисиникига кетиб қолди.

Бу орада терговчи Назокат ва унинг ота-онасини прокуратурага чақиртириб: "Йигит ва унинг ота-онаси тўй розилигига ёзма равишда тилхат бердилар, сизлар ҳам ўз қўлингиз билан тўйга розиман, деб ёзиб беринглар", - деб қўлларига қоғоз-қалам тутди.

Тўй бўлиб, қизини шу йигитга узатса ҳам, бахти бутун бўлмаслиги, умрининг охиригача қизининг боши надоматлардан чиқмаслигига Муниса опанинг кўзи етарди. Аммо яна бир андиша - ака-ука юз кўрмас бўлиб кетиши мумкинлигини ўйлаб тўйга розилик берганини оқларди.

Аммо...

Март ойининг бошларида Фарида исмли терговчи қиз келиб: "Келинойи, суюнчи беринг, Назокатнинг қизлик пардаси бутун экан!", - деб қолди.

Ҳайронлигидан анграйиб қолган Муниса опага Фарида:

-Экспертиза хулосасига кўра ҳомила нотўғри жойлашган, қизлик пардаси бутун экан, - деди. Кейин қўшимча қилди: "Келинойи, яна бир гап, қизингиз ҳали жуда ёш, туға олмаслиги ҳам мумкин. Кечқурун овсинингиз билан келинг, ҳаммасини ётиғи билан тушунтираман".

Минг бир хаёл билан Муниса опа кечки пайт овсини билан яна прокуратурага борди.

Кейин билса, "ҳомила нотўғри жойлашган" баҳонасида Назокатни операция қилдиришга розилик олиш йўлидаги уриниш экан бу...

Юрагига ғулғула тушган опа қизини яна УЗДга олиб борди. Ҳомила тўғри жойлашган, яхши ривожланаётган экан.Ҳар эҳтимолга қарши ҳомиланинг фотосуратини олиб, уйга қайтишди. Қизини уйда қолдириб, Фаридага деди:

"Олса боласи билан олсин, бўлмаса уларга берадиган қизим йўқ", - дея шарт қўйди.

Орадан икки кун ўтгач, отанинг барча ўғил-қизлари жам бўлиб, яна шу масала ўртага қўйилди. Ҳамманинг олдида йигитнинг ота-онаси тўйга розиликларини маълум қилишди.

Шу билан бу воқеа тугатилса ҳам бўларди, аммо...

1997 йил 4 апрель куни ёшлар қонуний никоҳдан ўтишди. Никоҳдан ўтишларидан олдин Назокатни чақиртиришди. "Аввалги кўрсатмалар йўқолиб қолди, воқеалар ўз хоҳишимизга кўра содир бўлган", деган мазмунда ариза ёздириб олишди...

Шу билан Ҳошимжон устидан Жиноят кодексининг 118-моддаси III қисми билан қўзғатилган жиноий иш 15-моддага асосан ҳаракатдан тўхтатилди.

Ёшлар ФҲДЁдан никоҳдан ўтишгач, бир-икки кундан сўнг қизнинг уйида шаръий никоҳ ўқитилди. Йигитнинг отаси келинига битта хона берганини маълум қилди. Аммо Муниса опа қизи Назокатни куёвникига яшашга чиқара олмади. Чунки, шу куни Зулхумор опа ўғлига: "Уйга кирганидан кейин, қорнига пичоқни тиқиб-тиқиб олгин. Боласиям, ўзиям ўлади", - деганини Назокат эшитиб қолганмиш...

Никоҳдан ўтиш бошқа, элга бу ҳақда маълум қилиш бошқа. Ошнинг маслаҳатига чақиртирилган Зулхумор опа: "Мен ўғил уйлантираётганим йўқ", - деб тўполон қилди.

...12 июль куни Назокат ётган палатага Дилбар исмли ҳамшира кириб, болангиздан ва ўзингиздан гуруҳни аниқлаш учун қон олишим керак экан, - дея чақалоқни олиб чиқиб кетди.

Қизидан ҳол-аҳвол сўрашга кирган Муниса опа, уни бурчакда ғужанак бўлиб ўтирганича кўзлари йиғидан қизариб кетган ҳолда кўрди.

- Ойижон, Самандарнинг томирларини тешиб, қон олишди, - ҳўнграб юборди Назокат.

- Бирон нарсага керак бўлгандир-да, - деб Муниса опа уни тинчлантирди, аммо кўнгли нохуш бўлиб қолди. Эртаси куни у прокуратурага бориб, бу ҳақда маслаҳат сўради.

- Боладан қон олиш учун махсус рухсатнома бўлиши керак! - деган жавобни олди. Муниса опа энди 13-туғруқхонага, қизи ётган жойга югурди. Вақтинчалик бош шифокор муовини вазифасида ишлаётган Шариповни сўроққа тутди.

"Мунисахон, тушунинг, - деди Шарипов,— агар сизнинг неварангиз эканини билганимда, бу ишга қўл урмаган бўлардим. Овсинингиз келиб: "Боланинг менинг ўғлимдан эмаслигини қандай исботласам бўлади?" - деб сўради. Мен:"Бола ўғлингизники, овора бўлиб нима қиласиз", - десам ҳам қўймади. "Менга қонини олиб беринг, ўзим текшираман", - деб айтди".

Бу тушунтиришда ақлингиз шошиб қоларкан, агар хат-саводи йўқ, ҳеч ерда ўқимаган киши бўлса, бошқа гап. Аммо бутун бошли тиббиёт марказининг бош шифокор муовини ҳеч қандай расмий ҳужжатсиз бир аёлнинг илтимосига биноан оталикни белгилаш учун ундан қон олдирса?

Хуллас, кунлар кетидан ойлар ўтиб, номусга тажовузнинг меваси - кичкинтой Самандар бир ёшдан ошди. "Отасининг кимлигини мен жуда яхши биламан", деб экспертизага боришдан бош тортган 18 ёшли Назокат ҳам охири бўйин эгди. "Шулар билиб қўйишсин" деб ҳам ўзини текширтирди.

Асадхон аканинг айтишича, шу йил 13 январда уни судга чақиртиришган ва экспертиза хулосасини маълум қилишган. Ушбу хулосага кўра, ҳомила Ҳошимдан бўлмаган экан...

Бу ишларнинг ортидан елиб-югурган жонкуяр ота-она, наҳотки кейинчалик бутун ҳаёт ўз изига тушиб кетишига ишонмаётган бўлса.

Хуллас, можаронинг ниҳояси кўринмаётгандек...

Юқоридаги воқеа хусусида, таҳририятга тақдим этилган ҳужжатлар, турли идораларга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига йўлланган мактубларда келтирилган мулоҳазалар хусусида кўп ўйландик. Шикоятчилар мулоҳазаси билангина чекланмадик. Тақдим этилган ҳужжатлар, адвокат мулоҳазалари. Назокатнинг кўз ёшлари, бу оламнинг етмиш минг ташвишини бир чимдим кулгуга алишмайдиган икки ёшли беғубор Самандарнинг тақдири бугун ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак, деган ўйгина ушбу мақоланинг ёзилишига асосий сабаб бўлгани рост. Кимдир жиноятга қўл урса-ю, буни кўра-била туриб хаспўшласак, ноқонуний тарзда чақалоқнинг жонини оғритиб, унинг қонини текширтирсак, онажонисини зор қақшатсак инсофданми?

Ака-укачилик... Болаликдан бирбирини суйган, қўллаган жигаргўшалар орасига нифоқ солган шайтон қилмиши учун ким асосий айбдор бу ерда?

P.S. Мақолани чоп этишдан аввал қаҳрамонларимиз исм-шарифларини ўзгартириш ёхуд ўзгартирмаслик юзасидан анча мулоҳаза юритдик ва маълум сабабларга кўра, ўзгартирилган ҳолатда беришга қарор қилдик.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
журналист

ҚАЧОНГАЧА ЮТҚАЗАМИЗ

Миллионлар ўйини бўлмиш футболда фақатгина ғалабалар эмас, балки мағлубиятлар ҳам бўлиб туради. 29 май куни Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги олимпия ўйинларида қатнашиш имкониятидан маҳрум бўлди. Қозоғистонлик футболчилар юртдошларимизни 3:1 ҳисобида мағлуб этди.

Азалдан Ўзбекистон ва Қозоғистон спорт беллашувларида бирбирларига муносиб рақиб эканликларини кўрсатиб келадилар. Баъзида қозоғистонликларнинг, гоҳида ўзбекистонлик спортчиларнинг қўли баланд келар эди.

Ҳамюртларимиз учрашувни кўтаринки руҳда бошлаб рақиб дарвозасини ишғол этишга ҳаракат қилдилар, лекин қўшниларимиз ўз усулларини қўллаб қайта ҳужумда ўйнаб юртдошларимизни икки бор майдон марказидан учрашувни бошлашга мажбур этдилар, 2:0 ҳисоби биринчи бўлиб, охиригача сақланиб қолди. Иккинчи бўлимда В.Борисов шогирдлари ҳужумкорона ўйинларини давом эттирдилар. Ўзбекистонликларнинг кескин ҳужумларидан баъзи пайтларда рақиб ҳимоячилари саросимага тушиб қолдилар.

2:1 ҳисобида олимпиячиларимиз тўп киритищди, лекин хитойлик ҳакам Лу Джун ушбу голни ҳисобга олмади. Бу ўз-ўзидан йигитларимизнинг ҳаракатларига ўз таъсирини ўтказди. Учрашув якунланишига 1 дақиқа қолганда Алиев 3-тўпни дарвозамизга йўллаб ҳисобни 3:1 га етказди.

Олимпиячиларимиздан биз кўп нарса кутган эдик(чунки 1994 йилдан бери ўзбек футбол мухлислари ғалабани кутишмоқда), лекин афсус, на миллий терма жамоамиз, на олимпиячиларимиз бунинг уддасидан чиқа олди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ҳақида сўз юритганимизда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қозоғистонлик аксарият футболчилар яқинда Нигерияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашганлар, биз эса маҳаллий клубларимиз билан ўртоқлик учрашувлари ўтказдик, холос.

Биздан фарқли ўлароқ қўшниларимиз юзага келган ҳар бир вазиятни қўлдан бермай гол уришади.

Техника бобида олимпиячиларимиз Қозоғистон терма жамоасига ўрнак бўлиши мумкин, лекин замонавий техника кўп нарсани ҳал қила олмайди. Хулласи калом, муҳим учрашувда ютқазиб қўйдик.

Анвар МЕЛИБОЕВ

"ҲАММА НАРСА СОНДАН ИБОРАТ"

Мутахассис журналистлар арзанда

Ҳамкасб

... Давр талотўплари ва эврилишлари кўп тушунчаларни ўз ўрнига қўяди. Дейлик, [illegible]буотни олсак, бу соҳанинг [illegible]аҳмат нони аста-секин [illegible] шоир ё[illegible] ёзувчи [illegible]га эмас, [illegible] журна-[illegible] Асли [illegible] кей-[illegible] Шу қу[illegible] ар-[illegible] Покли[illegible] лозимли-[illegible] Умри[illegible] пирилмоқда[illegible]. Бироқ, очиғини айтганда, айтайлик, 5 — 6 та ходим ишлайдиган таҳририят қаламкашлари қандай қилиб энг камида 60 — 70 соҳага ихтисослашади, бунинг учун бир мухбир неча бўлакка бўлинади — буни тасаввур этиш мушкул. Ушбу воқелик эса, ўз-ўзидан янги бир воқеликни ҳосил этади: маълум ихтисос эгалари, ўз ҳунарларининг профессионаллари бўлган ҳаваскор қаламкашлар матбуотга кириб кела бошладилар.

Ҳабибулло Абдулмажид ана шундай ижодкорлардан.

Азалдан аён бир ҳақиқат бор: бошқа ҳар қандай соҳа вакили, мисол учун, газета-журналларда ишлай олиши мумкиндир, аммо ҳеч қандай соҳа вакили ҳисобчилик қилолмайди. Зеро, бухгалтерия ўз номи билан бухгалтерия-да: сон-саноқсиз, кўзни жимирлатиб, ақлни шоширадиган, юракни сиқиб юборадиган рақамлар, "дебит-кредитлар" орасидан бирон нимани англаб олиш, айниқса, Пифагор хитоб қилганидай: "Ҳамма нарса сондан иборат" дея завқ билан ишлаш осон эмас...

Асли косонсойлик "қулоқ" Абдулмажид хўжанинг невараси (асли ҳуқуқшунос бўлган бу киши мусодара қилинган молларини талаб қилиб Москвага, "бутуниттифоқ оқсоқоли"

Калинин ҳузурига боргани билан машҳур) Ҳабибулло ака қарийб чорак асрдан бери матбуотда фаол иштирок этиб келади. Биз у кишининг айниқса қайта қуриш йилларида газеталарда чинакам тил ҳақида куюнчаклик билан ёзган мақолаларини мириқиб ўқиганмиз.

Умуман, Ҳабибулло ака ўзбек тилининг фидойиларидан эканлигининг исботини унинг исми-шарифини ўзбекча расмийлаштирганидан ҳам билса бўлади. Ундан ташқари, икки-уч марта банк, солиқ инспекцияси деган ташкилотларга биргалашиб кирганимизда у киши ҳатто русча матнли бланкаларга ҳам ўзбек тилида ёзиб кетаверади, эътироз билдирганларга улардан орттириброқ эътироз билдириб тураверади: "Мен давлат тилида ёзоламан-ку", деб. Ким билади, эҳтимол, ҳар биримизда мана шундай яхши маънодаги ўжарлик бўлганда эди, бугун, қонун қабул қилинганига ўн йил тўлаётганда, ҳаётимизда она тилимиз бундан ҳам баландроқ мавқега эга бўлармиди...

Бугун бозор иқтисодиёти шароитида яшамоқдамиз. Истаймизми-йўқми, ҳисоб-китобга кўпроқ эътибор беришга мажбурмиз. Демак, Ҳабибулло ака ва у кишига ўхшаб кўплаб истеъдодли қаламкашлардан матбуотимизда унумли фойдаланишимиз керак. Чунки бугунги газеталаримизга "дивидент" билан "даромад"нинг фарқига бормасдан, бирон корхона раҳбарининг оғзидан ёзиб олганларини бўяб-бежаб ёзиб ташлайдиган "лирик ижодкор"лар эмас, ҳақиқий таҳлилни ўрнига қўядиган, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиштириб кўра оладиган профессионал журналистлар керак!

Ҳолбуки... Балки кўзингиз тушгандир, "Морена Клара"-ни ўзбекчалаштирган заҳматкашлардан бири Ҳабибулло Абдулмажид. У киши телесериалнинг 90 сериясига режиссёр ассисентилик қилди. Ўзбек кинотомошабинлари учун севимли бўлган "Муҳаббат — ҳаёт демак", "Амар Акбар Антони", "Зита ва Гита" ҳинд фильмларини ўзбек тилига ўгиришда муҳаррирлик қилган. Қ.Камолованинг кейинчалик қатор чет эл киноанжуманларида кўплаб совринларга сазовор бўлган "Атроф оппоқ қорга бурканди" фильмига директорлик қилди. Ўзбекистон телевидениесида эфирга узатилган "Кино жавонидан", "Умр дафтари", "Олис юлдуз шуъласи", "Дубляж", "Ўзбек киноси ижодкорлари", "Азиз сиймолар" каби қатор кўрсатувларнинг муаллифи. Умуман, Ҳабибулло ака қурилишда бўёқчи-ю, радиода қалам ҳақи тарқатиш бўлими (!) нозири ва овоз ёзиш уйи директори ўринбосари, "Самарқанд фильм" ижодий бирлашмасида фильм директори бўлиб ишлади. Айниқса, қалам ҳақи тарқатишдек савобли иш бошида турган маҳали мамлакатимизнинг деярли барча таниқли шоир-ёзувчилари билан яқиндан танишди.

Бироқ биз бошқа бир гапни айтмоқчийдик. Бундан уч-тўрт йил бурун қайсидир маҳкаманинг раҳбари "Ҳ.Абдулмажиднинг асли касби ҳисобчилик экан, ижодий ишларга нега аралашиб юрибди, унга қалам ҳақи тўламанглар!" дебди. "Йўғ-э?!" дейсизми. Биз ҳам шундай дедик...

Ҳабибулло ака чинакам "кино жинниларидан" бири. У кишининг таниқли киноактёрлар, режиссёрлар, операторлар ҳақидаги ҳикояларини эшитиб чарчамайсиз. Улар ҳақида ёзилган туркум мақолалар ҳам кетма-кет чоп этилиб турибди.

Шоирнинг "Ҳар нарса йироқда кўринар аён" деган мисраси бор. Балки айнан аниқ фан намояндаси бўлгани сабаблидир, Ҳабибулло ака санъат, санъаткорлар ҳақида теша тегмаган фикр-мулоҳазаларни айтиб, ёзиб туради. Санъат ҳақида ҳам. Бир мундайроқ фильмнинг премьерасидан сўнг у киши кинонинг савияси пастлиги ҳақида мақола ёзар экан, биз мутлақо кутмаган ҳолда бу асарнинг қайси маблағ ҳисобига экранларга чиққанини таҳлил қила кетди. Маълум бўлдики, давлат пулига олинган кино — аслини олганда бизнинг, халқнинг пулига олинди дегани экан. Инчунин, бундай фильмнинг савияси юксак даражада бўлишини ҳар биттамиз ва ҳаммамиз талаб қилишга ҳақли эканмиз. Кўриб турганингиздек, шу биргина кичкина мисолнинг ўзиёқ бугунги матбуотимизда тайёр "ихтисослашган" журналистларнинг нигоҳи нақадар зарур эканлигини изоҳлаб турибди.

Бугун ҳам Ҳабибулло ака ўз касбини ижод билан ҳамоҳанг олиб бормоқда. Мақолалари ҳам бирин-кетин матбуотда чиқиб турибди.

Биз ушбу мухтасаргина мақола боис кўнгилда йиғилиб қолган баъзи мулоҳазаларни айтишга уриниб кўрдик. Фикрлар ранг-баранглиги, чуқур таҳлил, профессионал нигоҳ талаб этилаётган бугунги ўзбек матбуотига, қолаверса, радиотелевидениесига аллақачон ихтисослашиб улгурган қаламкашлар керак. Айни пайтда, уларнинг қадрига ета билиш, улардан самарали ва етарли фойдаланишни ҳам ўрганишимиз талаб этилаётгандай...

А.ЙЎЛДОШ

Турмуш

"ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС"

Аҳмад бобо кўп гапирмайдилар, аммо кузатишлари натижасида ажойиб хулосалар қиладилар...

- Равшанбек яхши тўй берди, - деб у киши навбатдаги "сиёсий машғулот"ни бошладилар. - Фақат овқатни бир хил қилса ҳам бўларди. Столлардаги минерал сувлар ва яхна ичимликларга эҳтиёж йўқ эди. Улар фақат дастурхон безаги учунгина қўйилади. Умуман олганда, охирги пайтлари булар "мода"га айланиб бораяпти. Тўйароқсиз қандай яхши ўтса, бу ичимликларсиз ҳам ўтиши мумкин. Маракада асосан уч нарсага аҳамият бериш керак. Булар ош, нон ва чой. Ошни қўй гўшти, думба ёғи ва бозорнинг олди бўлган гуручдан дамласа бошқа овқатга ҳожат қолмайди. Ичимликлар чой ўрнини босолмайди. Нонсиз овқат егандай бўлмайди киши. Тўйда камдан-кам киши минерал сув ичади. Равшанбек ўша нарсалар учун қанчадан-қанча пул сарфлаган. У бу пулларни болаларига едирса, уларни кийдирса маъқул эмасмиди? Кеча дўконда сув нархининг 120 сўм эканлигини эшитиб, ёқа ушлаб қолдим. Балки заводда нархи арзонроқдир? - деб бобо бизларга нигоҳ ташладилар.

- "Самарқанд" минерал суви ўтган ойда 105 сўмдан чиқаётган эди, - деди савдо ходими бўлиб ишлайдиган Раҳмат дўстим.

Аҳмад бобо хўрсиниб яна гапларини давом эттирдилар:

- 1,5 литри 120 сўм бўлса, бир литри 80 сўм экан-да. Ахир, бир литр сув икки литр бензин нархига тенгку! Нефтни бензин ҳолига келтиргунча қанча меҳнат сарфланади. Сувни эса ер қаъридан тортиб олиб, фақат газ қўшаяптилар, холос. Мана буни бизнес деса бўлади.

Аввало, айб ўзимизда. Ўша сувларни олмасак, нархи бунча осмонга чиқиб кетмасди. Шунинг учун чойни кўпроқ ичиш керак, чойхоналарни кўпайтириш лозим. Чой кўп дардга даво. Ҳозир чойларнинг ҳам нархи қимматлашди, бир килоси 700-800 сўмга чиқди. Лекин унинг бир килоси анчага етади. Минерал сувларнинг барчаси ҳам ўзимизникидай қимматми?

- "Бонакуа" дегани ҳам, қиммат, аммо "Тошкент", "Баҳмал" сувлари арзонроқ, деди ҳалиги дўстимиз.

Бобо бошини чайқаб:

- Ҳозирги шароитда барчага қийин бир куни ёш боланинг йиғлаб музқаймоққа талпинганича кўзим тушди. Онаси бечора "пул йўқ" дегани билан қани бола тушмагур тушунса. Бориб биттасини олиб бердим. Нархи 75 сўм. Қаерники десам, ўзимизники экан, яъни "Браво-Сут" қўшма корхонаси маҳсулоти. "Сингапур-Самарқанд" корхонасини ҳам шундан қолишмайди. Бу корхона раҳбарларида инсоф борми, ҳеч бўлмаганда музқаймоқ болалар учун эканини ҳисобга олиб уларни арзонроқ қилишлари керакмасмиди? Барибир айб ўзимизда. Ўтган куни Регистонда бир киши лола билан бирга устига тош босилмаган ёввойи равочни сотаётган экан. 100 сўмга анчасини берди. Икки кило шакар билан мураббо қилдик, 1,5 литр бўлди. Бу икки шиша яхна ичимлик пули дегани. Болалар анча вақт ҳузур қилиб мураббо чой ичадиган бўлишди. Яна бир нарса. Аввваллари ота-боболаримизнинг Саксонбой ва Тўқсонбой исмли фарзандлари бўлган. Қарияларимизнинг узоқ умр кўришларининг сабаби шундаки, улар асосан табиий нарсалар истеъмол қилишган, яъни асал,ёнғоқ, майиз, тут майизи, шинниси кўп еганлар. Ҳозир эса кўпчилик консерва, колбаса ва шунга ўхшаш нарсаларни хуш кўришади.

Майли бу кунлар ҳам ўтиб кетар, вақти соати келиб, ҳар биримизнинг ўз маошимизга нафақат кундалик эҳтиёж маҳсулотларини харид қилишга, балки иморат кўтаришга, янги машина сотиб олишга ҳам қурбимиз етади. Фақат Аллоҳдан ўша кунларга тезроқ етказишни тилаб қоламиз, - дея бобо фотиҳага қўл очиб, тиловат қилдилар-да чойхонадан чиқиб кетдилар.

Муртазо ТУРСУНОВ,
Самарқанд

АТТЕСТАЦИЯ

"Барча соҳа ходимлари ўртасида аттестация ўтказилсин" деган қарорга келишди. Ҳамманинг тинчлиги бузилди. Кимдир кимгадир чопган, "кичкиналар"нинг катталарга "ҳурмати" ошган, кимдир кутубхонада ётиб олган, яна кимдир ўзини ёмон ҳис қилиб шифокор ҳузурига борган... Хуллас, "арининг уяси бузилиб", ишлар вақтинча издан чиқди, чунки кайфият ўзгарган, дорихоналаримизда тинчлантирувчи дориларнинг сотилиши тезлашиб кетган... Ҳамма ҳаяжон билан ўша кунни кута бошлади. Кўпчиликнинг бошида бир муаммо: "Эсон-омон ўтиб олсам, ундай қиламан, бундай қиламан". Имкони борлар ҳаммаси яхши бўлса, бир қўй сўйиб "ўшалар"га худойи қилишни кўнглига тугиб қўйди. Бундайроқлар эса, "қора товуқ" атаб қўйишди. Ўзига яраша одамлар "гадойга садақа" беришни ўйлаб қўйишди.

Ниҳоят, кутилган кун етиб келди. Ҳамма учун ҳаяжонли дамлар. Бир хонанинг эшигига ваҳимали қилиб: "Диққат, аттестация кетаяпти", деб ёзиб қўйилган. Хонада аттестация комиссияси аъзолари савлат тўкиб ўтиришибди. Уларнинг барчаси ҳар томонлама "катта" ва "ақлли" одамлар. Аттестациядан ўтадиган ходимлар рўйхати билан "танишиб" чиқишди. Хонага биринчи бўлиб шўрлик Фалончиев Пистончи кириб келди. У комиссия аъзоларига салом берди. Улар алик олишди.

- Келинг, хўш, марҳамат, ўтиринг. Сиздан бошлаймиз экан-да? Шу жойда ишлайман денг-а, нимага титрайсиз, ўзингизни бардам тутинг, ҳа, шундай. Бу ишдан кетиш, иш қидириш ҳамманинг бошида бор савдо, эътибор берманг. Майли, сизга савол шу: - Айтинг-чи, эрамиздан олдинги II асрда одамлар қайси тилда сўзлаганлар?

Ходим довдираб қолади:

- Эрамиздан олдинги II асрда... - гапини йўқотиб ғудранади.

Комиссия аъзоларидан бири:

- Билмадингиз, гапни айлантирманг, ахир тарихимизга муносабат шуми? Ўз тарихингизни билмаган ходим - қандай қилиб шундай обрўли ташкилотда ишлаб юрибсиз, ҳайронман. Қўйинг, ҳеч нарса билмайсиз, мана бу ерга ёзинг: "Билмадим" деб, яна даъво қилиб юрманг.

Улар ходимга имзо қўйдириб олишди. Бечора ходим судралгандек хонадан чиқди, у ёқда аҳволи нима кечганини худо билади. Хонага навбатдаги ходим ўзига ишонганнамо кириб келди.

- Салом!

Комиссия аъзолари алик олишиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

- Келинг, сиз Фалончиев Пистонбой Тугунбоевичсиз, шундайми, жуда яхши. Бу киши ажойиб ходимларимиздан, намунали ишчи, ҳамма нарсага ақллари етади, хоҳлаган саволни берсак, жавоб берадилар. Сизга савол: "Светофорнинг биринчи ранги қанақа?"

Ходим "Сариқ", деб жавоб беради. Комиссия аъзолари бир-бирларига қараб қолишади. Раис дарров сўз олиб:

- Тўғри, шундай ранг бор, буни биринчи ранг десак ҳам бўлади. Чунки сариқ ранг қизил билан яшил ўртасида бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб туради. Бу киши биринчи ранг сариқ деб тўғри айтдилар. Ахир қизил ёнишидан олдин ҳам сариқ ёнади-ку. Тўғри жавоб, сиз ўтдингиз. Қойил. Келинг, мана бу ерга имзо қўйинг-да, дам олаверинг.

Ходим хурсанд чиқиб кетади. Хонага Фалончиева киради.

- Ассалому алейкум.

Комиссия аъзоларидан бири:

- Ҳаммангиз салом бераверасизми, ахир? Биз бу ерда саломлашиш учун ўтирибмизми? Ўтиринг, фамилиянгиз оддий Фалончиева Тугунчи қизи, шундайми? Хўш, сиз шу ташкилотда 10 йилдан буён ишлар экансиз, лекин унчалик тажрибали ходимага ўхшамайсиз. Майли, кўрамиз. Савол: - Айтинг-чи Одам Ато билан Момо Ҳаво ЗАГСдан сўнг қандай фамилияда бўлишган?

Ходима бу кутилмаган /умуман бўлмаган/ саволдан қотиб қолади. У гапиришга уринади, аммо қийналади. Унинг тили калимага келмай қолганини кўрган комиссия аъзолари: - Ана, жавоб йўқ, мана, бизнинг ота-бобомиз меросига муносабат. Бу фожиа, наҳотки, сиз аждодларимизни ҳурмат қилмайсиз, оддий саволни билмаган одамнинг қандай қилиб шундай нуфузли ташкилотда ишлаб юрганига ҳайрон қоласан киши! Яна 10 йилдан буён-а, эсиз, эсиз! Бўлди, бу ёғига чидаб бўлмайди. Келинг, "Билмадим", деб имзо қўйинг.

Ходима гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдики... Комиссия аъзоларидан бири: - Яна гапирасиз-а? Қайси юзингиз билан уялмай турибсиз, бўлди, чиқинг, хунобимиз ошиб кетди, - деди. Ҳамма зўрға ўрнидан туриб, боши айланиб хонадан чиқади. Комиссия аъзолари ишни қойил қилаётганларидан мамнун "Молочное Нестле" шоколади билан бир пиёладан "Нескафе" қаҳвасини ичиб олишди. Шундан сўнг эшик шарақлаб очилди-ю, хонага Фалонбоева Пистоной Тугунбоевна виқор билан кириб келди. Уни кўрган аттестация комиссияси аъзолари баравари ўринларидан туришди ва эгилиб салом беришди. Фалонбоева эса бош ирғаб алик олди ва "Мени бу ерга чақириш шартмиди?" дегандек хоҳламайгина ўтирди. Комиссия аъзолари ҳурмат билан раисга қарашди. Раис юрак ютиб сўз бошлади:

- Фалонбоева, яхши юрибсизми, адангиз омонмилар, иш қилиб ҳаммамизнинг бошимизга соябон бўлиб юрсинлар. Сизни безовта қилдик, узр энди, расмиятчилик, ўзи бу аттестация деганлари сиздайларга ярашмайди. Лекин, нима қилайлик, биз ҳам мажбурмиз. Сиз ҳеч овора бўлманг, мана бу ерга чиройли имзоингизни қўйсангиз бўлди.

Фалонбоева:

- Битта имзо учун шартмиди келишим, қўнғироқ қилсанглар, адамлар одам жўнатар эдилар шу даҳмаза қоғозларга. Мен савол-жавоб бўладими, деб ўйлабман.

- Йўқ, йўқ, ўлолмай юрибмизми сизга савол бериб, сиз барча саволларга "аъло" жавоб беришингиз маълум-ку, тўғрими? - Барча аъзолар "тўғри", "албатта", деб тасдиқлашди. - Энди ҳар хил савияси паст одамлар бор, шулар гап-сўз қилиб юришмасин деймизда. Майли, узр энди. Мана шу ерга имзо қўйинг, биз буёғини - ўзимиз савол-жавобларни келиштириб "протоколлаштириб" қўямиз, - дея раис қоғозни Фалонбоевага узатди. "Адасининг эркаси" имзо чекди ва "бўлдими, бошқа гапинглар бўлмаса, мен кетдим, агарда яна имзо керак бўлса, "сотовий"га телефон қилинглар", - деди.

Комиссия аъзолари бараварига чўнтак дафтарларига муборак "сотовий" рақамларини ёзиб олишди ва ўринларидан туриб, "Адангизга салом айтинг", дея минг бор узр билан эшиккача кузатишди. Сўнг ўринларига ўтириб енгил тин олдилар.

Шу тарика, ходимларни "титратган", комиссия аъзоларини юз хил найрангларга солган аттестация якунланди. 150 ишчи-ходимдан 99 киши "муваффақиятли" ўтди...

Дилмурод МУҲАММАДИЕВ

ОВОЗА

2000 йилдан барча ўзбекистонликлар давлат тилида гаплашар эмиш

ТАБРИК!

Азиз ҳамкасблар! Туғилган кунингиз билан қутлаймиз. Энг эзгу тилакларингиз йўлдошингиз бўлсин!

2 июнь - Отабек Раззоқов
3 июнь - Норали Очилов
6 июнь - Ҳабибулло Абдулмажид
20 июнь - Аъзам Содиқ[illegible]